Аввало, маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз лозим. Бу жараёнда янги таҳрирдаги Конституциямиз талаблари ҳисобга олиниши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
3-aprel
chorshanba
№ 14 (1389)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

УЛКАН ТОҒ ҚАРШИСИДА

ёки хазиналар қулфи нега очилмаяпти?

1991 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан 160 минг нусхада чоп этилган "Темур тузуклари"га ёзилган сўзбоши: *"...бу асарни чоп қилиб, тўғри иш қилинаётир. У, аввалам-бор, тарихий ўтмишни билишни истаган кўп сонли ўқувчи хоҳиш-истагининг ҳисобга олинишидир. Ахир "Ҳар бир халқ ўз тилига, ўз тарихига эга. Ўз аждодларини билишни истайди. Бу наҳотки социализмга зид бўлса? Йўқ, зид эмас, албатта",* деган сўзлар билан тамомланган. Китоб босишга рухсат этилган 22 январда қизил империя тахти ҳали мустаҳкам эди, фақат ўта кескин фикрловчи одамларгина унинг тагига сув кетганини сезаётганди. Эътибор қилсангиз, ҳатто ушбу китоб сўзбошида ҳам озгина иштибоҳ бор. Ҳа, ўша дамлар рўшноликка энди даричалар очилаётган, халқларнинг ўз аждодларини таниши кўп ҳам жиноят эмаслиги қимтиниб-тортиниб, паст овозда, ўраб-чирмаб айтила бошлаган даврлар эди. Бугун ўша кунлар ҳам тарихга айланди, энди биз орадан 33 йил ўтиб, миллий шон-шарафимиз ҳақида баралла дунёга жар солаяпмиз. Бир асрнинг учдан бир қисми давомида тарих бутунлай ўзга ўлчамларни тақдим этди. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур мавзусида ҳам улкан маърифий ишлар амалга оширилди.

Буюк аждодимиз тарихини ўрганиш борасида бажарилган ишлар ҳаммани кўз олдида намоён. Бу ҳодиса миллий ҳаёт тарзимизга шу даражада сингиб кетдики, энди муҳташам юксакликдан бизнинг бўй-бастимизни дунё аҳли кўрмоқда, ҳар соҳада шу мезон билан баҳо бермоқда. Буюк бобокалонимиз чинакамига миллий ифтихоримизга айланди. Ана шу мезоннинг ўзи бу мероснинг ворислари зиммасига улкан юмушларни ортмоқда. Албатта, теран уммоннинг бағри хазиналарга бой ва туганмас бўлганидек, бу мавзуда ҳар қанча сўз юритсак, шунча кам бўлиб қолаверади. Чунки бутун инсоният тарихи, дунёнинг мавжудлик асрори ана шу ҳақиқатда мужассамлашган. Шунинг учун бу борада талабчанлик билан изҳор қилинган фикрлар ҳеч кимда иштибоҳ туғдирмайди. Ахир ҳали ҳеч ким олам асрорларини тўла инкишоф қила олмагани бор гап.

Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги маълумотлар турли кўринишларда, салмоқли қўламда бизгача етиб келган. Энди асосий вазифа худди сомон ғарами ичидан олтин игнани излаб топгандек, тарихий далилларни вақт ва илм талабидан келиб чиқиб, саралаш ва кенг жамоатчиликка тарих ҳақиқатини ҳаёт ҳақиқати билан уйғунлаштириб, жамоатчиликка етказишда қолган. Дунё тафаккур аҳли Амир Темурдек муҳташам зотнинг ҳаёти ва фаолиятига жуда катта қизиқиш билан қараб келган ва бу қизиқиш асло сўнган эмас. Замона зайли ҳозирги миллий зиёлилар бу борадаги асосий масъулиятни зиммаларига олишини шарт қилиб қўйди, чунки бу борада энг адолатли ва тўкис гапни Соҳибқиронинг ватандошлари айтиши фарз ва қарз. Албатта, бу йўналишдаги юмушлар ҳаёт қадар давом этаверади, илм-фаннинг мантиғи шуни тақозо қилади.

Демак, юмушнинг қанчалик долзарблиги, муҳимлиги аниқ, қилинаётган ва қилинажак ишлар ана шу мезонлар билан баҳоланади. Масалан, ҳазратнинг таржимаи ҳоли юзасидан ҳар бир далил оламшумул тарихнинг бир қисми сифатида изчил мантиқийликка асосланиши, ҳар бир ҳолат атрофлича далилланиши, яъни қаҳрамон шахсиятининг мантиғи яққол намоён бўлишига хизмат қилиши бор гап. Бир ҳолат: қадимда ҳам, ундан кейин ҳам, ҳозир ҳам бу зот кимлигига қизиқиш катта бўлганини дунёнинг энг йирик тилларида турли жанрдаги асарлардан, халқ китобларидан, оғзаки ижод намуналаридан билиш мумкин. Энди оддий савол туғилади: ана шу хазина таснифланганми? Ёки бир йўналишдаги асарлар қиёсий ўрганилганми? Ва, ниҳоят, энг оддий мантиқий савол: ҳазрат Соҳибқиронинг мукаммал таржимаи ҳоли яратилдими?

Агар бу саволларга "инсоф маҳкамаси" талаби билан жавоб бериладиган бўлса, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар навбатда турганлиги маълум бўлади. Тўғри, ўтган йилларда бу борада анча ишлар амалга оширилди, тарихий, бадиий, ҳужжатли-хронологик, саҳна асарлари яратилди, кўплаб мақолалар эълон қилинди, илмий ишлар юзага келди (ҳатто бу ҳолдан эсанкираб қолган баъзи қитмир кишилар "Темурчи кўпайиб кетди" деган гап ҳам чиқаришди). Албатта, бундай оммавийлик яхши, қалам аҳлининг ўз фахрли аждодига меҳрини, биринчи навбатда муносабатини ёзувда ифодалаганини қутлаш лозим. Лекин масаланинг бир нозик томони — турли уйдирма-ю тўқималардан асл тарихий ҳақиқатни ажратиб олишнинг мураккаблашиб кетиши, ҳатто моҳиятдан узоқлашишнинг кўзга ташланганги бўлиб қолди. Баъзан ҳаммабоп, жаҳоншумул мавзуда асосий мақсад бир четда қолиб, ўз шахсини ёки билимдонлигини, ҳатто фидойилигини кўз-кўз қилиш, олдинга суриш ҳоллари ҳам учради.

Ана шундай шароитда тарихий тадқиқотларни мувофиқлаштириш йўқлиги баъзан панд бергани ҳам рост. Масалан, бир-икки йил олдин бир хориж реклама агентлиги очиқчасига туҳмат билан чиқди. Ёки Гўри Амир хилхонасининг очилиши билан боғлиқ воқеаларни турли ракурслардан қийшиқ талқин қилиш давом этмоқда. Ёки Соҳибқироннинг Русга юриши, Йилдирим Боязид билан тўқнашувини изоҳлашда ўша давр шароитини ҳисобга олмаслик, бугуннинг талаблари билан воқеликка баҳо бериш ҳоллари учрамоқда. Шунингдек, Хитой юришини турли манфаатлар чиғириғида айлантиришга зўр бериш кўзга ташланмоқда. Инсоф билан айтганда, бундан етти аср олдин ўтган воқеаларни ҳозирги мезонлар билан баҳолаш, ўз манфаатидан келиб чиқиб ёндашиш, умуман, маърифийликка тўғри келмайдиган ҳолат.

2-б.

АҲВОЛ

УЙҒОҚ ҚАЛБЛАР, БИРЛАШАЙЛИК!

Бугун ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган ҳаёсизлик, маънавий таҳдидларга қарши чора излаб...

Ижтимоий тармоққа қўйилган бир постда 4-5 ёшлардаги хорижлик қизча китоб ўқиб ўтирибди. Бунданам ғаройиб жиҳати: у ўзи каби қизалоққа устозлик қилиб, китоб сўзларини дона-дона ўқийди, уни такрорлаётган "шогирдча" талаффузидаги хатоликларни таъкидлаб-таъкидлаб тузатади. Шу ёшида китоб ва унинг ҳар ҳарфига бунчалар меҳру ихлос қўйган қизалоққа, ғойибдан унинг ота-онасига, ҳаётдаги юзлаб воқеа-ҳодисалар орасидан айни мана шу лавҳани танлаб ижтимоий тармоққа қўйган инсонга ва унда шундай танлов фаросатию салоҳиятини тарбиялаганларга ҳавасим келди.

Беназир шоир Тўра Сулаймон бир шеърида "Шамол шамолни тебратар" дегандек, яна шунга ўхшаган видеолавҳалар кўргим келди. Айниқса, ўзимизга, ўз халқимиз ҳаётига тааллуқли бўлса, деган илинжда эдим. Ижтимоий тармоқларга кириб юрмаганингдан кейин билмайсан, балки бундан-да маъно-моҳияти чиройли постлар бордир. Шундай қизиқиш, умид билан кузатувни бошладим.

...Карнай-сурнайнинг тўй базмида бўладиган наволари янграйди, қишлоқ кўчасига нимагадир узундан-узун матолар пойандоз каби солинган, унинг икки томонида одамлар қатор тизилган.

3-б.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МЕДИА СОҲА ВАКИЛЛАРИ ЭТИКАСИ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕҲХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан "Журналист этикаси ва оммавий ахборот воситаларининг ўзини ўзи бошқариш механизмлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

"Courtyard by Marriott Tashkent" меҳмонхонаси "Saffron" анжуманлар залида ўтказилган давра суҳбатида халқаро ташкилотлар, миллий медиа ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Акрамжон Фозилов олиб борди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда ахборотнинг кенг оммалашиб бораётгани ва мисли кўрилмаган тезликда тарқалаётгани натижасида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва воқеа-ҳодисаларни ёритиб боришда ОАВнинг роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу эса ўз навбатида, журналист этикаси ва оммавий ахборот воситаларининг ўзини ўзи бошқариш механизмларига оид қатор долзарб муаммолар ва саволларни эътибор марказига олиб чиқмоқда. Хусусан, журналистлар ўзи фойдаланган манбалар ва ахборотларни қай тарзда текшириши зарур? ОАВ низо ва муаммоларни холислик ва адолат тамойилларини бузмаган ҳолда қандай ёритиши керак? ОАВ сўз эркинлиги ва жамият олдидаги масъулияти ўртасида мувозанатни қандай таъминлаши мумкин?

2-б.

МУЖДА

АҚШда Турон ассоциацияси ташкил этилди

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Фурқат Сиддиқов АҚШнинг Бостон шаҳрига (Массачусетс штати) ташрифи давомида ушбу ҳудудда яшаётган ватандошлар билан учрашув ўтказди ва улар билан биргаликда Наврўз байрамини нишонлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, тақдим этилаётган имкониятлар тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Элчи Фурқат Сиддиқов, шунингдек, маданий ва илмий ҳамкорликни кенгайтиришда ватандошлар уюшмаларининг роли муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашув давомида Бостон шаҳрида янги ташкил этилган Турон ассоциациясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ассоциациянинг асосий вазифалари сирасига Ўзбекистон маданияти ва меросини сақлаш ва уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, ватандошлар билан биргаликда маънавий-маърифий ва илмий тадбирларни ташкил этиш вазифалари киради.

Ўзбекистон дипломатик миссия раҳбари ташрифи доирасида "Илдиз" онлайн платформасининг тақдимоти ўтказилди. Платформа фаолияти АҚШда ишлайдиган юқори малакали мутахассислар, молия институтлари, университетлар, юридик фирмалар, тадбиркорлар ва инвесторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бундан ташқари, ватандошлар ва америкалик ҳамкорлар иштирокида Наврўзи оламга бағишланган байрам тадбирлари ташкил этилди. Унда Гарвард университетининг етакчи олимлари ва институт раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Йиғилганлар эътиборига Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва гастрономик салоҳияти, ўзбек миллий урф-одатлари, бой маданиятнинг ўзига хослиги, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда кузатилаётган динамик ўзгаришларга бағишланган видеолавҳалар намойиш қилинди.

Байрам тадбирида сўзга чиққан ватандошлар икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида маданий ва илмий алмашинув дастурларини амалга ошириш, шунингдек, хорижда мамлакатимиз имижини янада мустаҳкамлашга камарбаста бўлишларини таъкидладилар.

"Дунё" АА,
Бостон шаҳри.

УЛКАН ТОҒ ҚАРШИСИДА

ёки хазиналар қулфи нега очилмаяпти?

1-б.

Тарихни ўрганиш баъзи иззатталабликларнинг илдизига сув қуймаслиги, аксинча, ўша кунлардан сабоқ олиб, бугун ўша хатоларга йўл қўймасликдан сабоқ бериши керак. Ўтмишга разм солишдан асосий мақсад ҳам, аслида, шу.

Ана шундай ҳолатда ўша кунлар суратини бутун ўлчамлари, манфий-мусбат томонлари билан акс эттирувчи мукаммал асарларга эҳтиёж кучли бўлади. Ҳолбуки, ҳар бир кичик унсурга аниқлик киритиш, тарихий асарларни шарҳлаш, улар қатида йиллар давомида яширинган, вақт чанг-ғубори билан хира тортган ҳақиқатни топиш борасида юмушлар етарли. Мана, кичик бир мисол. Ҳамма жойда қайд қилинадиган "Куч — адолатда" деган гапнинг тарихи ҳаммани қизиқтиради ва унинг шарҳини исталган киши тарих китобларидан қидиришга ҳақли. Бу ҳақда таянч манбалардан ҳисобланувчи Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"ларидан тайинли маълумот топиш қийин. Лекин таъкидланганидек, мавзуга доир манбалар кўп, қизиқувчан мухлис бу билан чегараланиб қолмай, изланишда давом этади.

Маълумки, Соҳибқирон тарихи ҳақидаги халқ китоблари ҳам сон-саноқсиз бўлган ва уларнинг қай бирларидадир қай бир далил яширинган. Шу тамойил билан "Темур қиссаси" ёки бошқа номлар билан аталган (масалан, "Темурнома", "Жангномаи Темурбек" сингари) китобларга юзланамиз. 1992 йилда чоп этилган "Зафар йўли" (Ўз аҳволи ва атвори, юруш ва қўнуши, мусолиҳа ва муҳориба воқиъотин туркий луғот бирлон ёзғон китоб. Таржимаи ҳол) китобида Соҳибқирон тилидан шундай ҳикоя қилинади: *"Мен 21 ёшга тўлганимда саёҳат қилмоқчи бўлдим. Лекин аввал шайх Зайниддин Абу Бакр Тойободийдан дуойи фотиҳа олмоқчи бўлдим. Шайх... белимга камар боғлаб, бошимга кулоҳ кийгизди ва бир чиғаноқ узук тортиқ қилди, унинг кўзига "Рости-рости" сўзлари ёзилган эди"* **(13-бет. Нашрга тайёрловчи: тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов).** Бошқа бир халқ китобида мана бундай қайд учрайди: *"...сана етти юз эллик олтида (756/1355) Қутуб ул-орифин Шайх Зайнуддин Абу Бакр Тойободий хизматига етишдим.... бош кийимларини менга кийдириб, ақиқдан бўлган бир узук бердилар. Унинг кўзидаги нақш "Ростию расти" эди, яъни рост бўлсанг, ҳар балодан халос бўлгунгдир" (эди).* **("Темур қиссаси". 2017 йил. Нашрга тайёрловчи ва таржимон: тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобеков).**

Мана, кафтдагидек кўриниб турибдики, бир далил турли вазият ва ифода услуби билан шарҳланаяпти. Имлоси сақланган кўчирмада турли хилликларга шарҳ бериш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан. Анигини айтганда, тарихий манбаларда учрайдиган минглаб киши исмлари ва жой номларининг ягона имлоси (идентификация) ҳам тасдиқлангани йўқ. Шундай қилиб, узук кўзидаги "Рости-рости" сўзлари мантиқан "Куч — адолатда" деб ўгирилди ва бу жамоатчилик томонидан қабул қилинди.

Шубҳасиз, кўчирма келтирилган икки матн, уларнинг манбаси, умуман, халқ китоблари, уларнинг илмий қиммати юзасидан Сизда кўплаб саволлар туғилди, аммо вазият нуқтаи назаридан уларга бу ўринда жавоб бериш имконияти чекланган. Умуман, бобокалонимиз таржимаи ҳолига доир ўнлаб нодир манбаларда, "Темурнома" йўриғидаги халқ китобларида далиллар сочилиб ётибди. Уларни ўқиб, Соҳибқирон ҳаётида туш, ҳазрат келтирган ривоят ва ҳикоятлар, Қуръони каримдан келтирилган кўчирмалар, ўз ҳаётидан ҳикоялар (ов лавҳалари, оддий одамлар билан суҳбатлар, таҳликали ҳолатлар шарҳи, илоҳий пайғомлар), умуман, бобомиз шахсиятини далиллайдиган кўплаб мисолларни илмий тадқиқ қилиш кун тартибида турибди. Шунда докторлик ишларига мавзу қандай танланади, уларга қай даражададир ҳавойи ("Амир Темур маънавияти?" дегандек) мавзулар эмас, аниқ амалиётдан келиб чиқиб, ғоялар берилса бўлмасмикан, деган мулоҳаза ҳам туғилади.

Нафсиламрини айтганда, ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб масалалар кун тартибида турган шароитда бизнинг илмий жамоатчилигимиз нима билан банд, деган савол кўндаланг бўлиши табиий. Шу ўринда оҳорли мисол. Яқинда, аниқроғи 31 март куни ЎзТВнинг "Ўзбекистон тарихи" телеканалида "Тарих тилга кирганда" деган кўрсатув намойиш этилди. Унда тарих фанлари доктори Шоҳиста Ўлжаева, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев, музей илмий ходими Комил Султонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тўлқин Ҳайит қатнашди. Иштирокчилар соҳага бегона эмас, анча иш қилган, жамоатчиликка яхши таниш кишилар. Кўрсатув мавзуси "Соҳибқирон Амир Темур" деб номланган экан. Анча тажрибали бошловчи Дилафрўз Шоназарова томошабинлар экрандан узоқлашмаслиги учун роса жон куйдирди ва унинг эътирофича, "Кўрсатув жуда қизиқарли ўтди".

Гап, асосан, Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли устида айланди. Сиз балки бу мавзуда жиддий бир манба қўлга киритилибдими ёки муҳим бир тадқиқот юзага келиб, кўплаб мавҳум саволларга аниқлик киритилибдими, деб ўйлаётгандирсиз. Аммо "тинглаганим рост бўлса агар", айтилганларнинг ҳаммаси 33 йилдан буён такрорланиб келинаётган гаплар эди. Рости, мулоҳазаларни тинглаб, бу кўрсатув нимани мақсад қилганига тушунмадим. Ўтган йиллар давомида жамоатчилик турли воситалар орқали бу мавзуда анча-мунча маълумотга эга бўлди. Энди ватандошларимиз "Соҳибқирон" сўзининг маъносини-ю, Темурбекнинг отаси маърифатли одам бўлганини, Чингизхон шажараси билан туташлигини-ю, ҳокимиятга келгунча тортган машаққатларини яхши билади.

Юқорида таъкидланганидек, ўтган йиллар давомида бу мавзуда ўнлаб турли жанрдаги китоблар яратилди, улар қайта-қайта нашр этилди. Шу ўрганишлар жараёни темуршуносликни янги босқичга кўтариш, қулочни яна ҳам кенг ёзиб, энди халқаро даражада фикр юритиш, ҳозиргача биз хориждан ўрганиб келган бўлсак, энди уларга дарс беришимиз лозимлигини таъкидламоқда. ТВда янграган фикрларни эшитиб, бу юртдошларимиз зоҳид файласуф Диоген Синопскийдек турмуш тарзини танлаган эканми ёки таҳаннус ибодатини адо этишга берилиб кетибдиларми, деб ўйлайсиз. Олимлар томонидан янграган "Туғлуқ Темур билан шартнома тузиб...", "Илёсхўжа бостириб келганда оловлар ёққан", "хашакларни отнинг думига боғлаб, бақириб чиққан, шундан кейин қайтиб кетган" сингари мулоҳазалар на илмга, на мавзуга тааллуқли. Гапларнинг келишидан "Сайрамда ёш Аҳмад сўймай қочирган хўроз Кешга келиб қолган эканми?" деган хаёлга борасиз...

Умуман, ҳар қанча бўлганда ҳам томошабинга янги ёки тасаввурларни кенгайтирадиган ахборотларни етказган маъқул. Ҳолбуки, юмушлар анча жиддий, ҳатто фидойилик билан ишга киришишни талаб қилади. Энг долзарб вазифалардан бири — ҳазратнинг барча мулоҳазаларни ўзида жамлаган ва бетимсол талъатини тўла ифодалайдиган мукаммал таржимаи ҳолини яратиш бўлиб қолмоқда (бир далил: шўро олимлари йўқсиллар доҳийсининг мукаммал таржимаи ҳолини яратган эдилар ва у ўн саккиз китобдан иборат эди, балки йигирмата ҳам бўлгандир). Ҳолбуки, инсоният тарихида жиддий юмушларни бажарган, дунёнинг кўплаб жумбоқларига ечим топган, саволларига жавоб қайтарган зотнинг ҳаёт йўли инсон қавми учун қизиқарли. Ҳозиргача бу борада кўплаб саъй-ҳаракатлар бўлган. Айниқса, хорижлик олимларнинг уринишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Дастлабки ҳаракатлар Гонзалес де Клавихо, Иона ота томонидан бўлгани маълум. Кейин жуда кўплаб Ғарб олимлари бу тарихни ёздилар. Яқин ўтмишда эса Люсьен Керен ёки Жан Поль Ру ўз кучини синаб кўрди. Бу юмушлар шунчаки тажриба бўлиб, мақсадга тўла эришилгани йўқ. Ана шу мезоннинг ўзи бу мероснинг ворислари зиммасига улкан юмушларни ортмоқда. Қолаверса, бу битикларда ҳақиқий тарихга, ислом дини руҳиятига, миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган ўринлар кўп. Демак, бу юмушни бизнинг олимларимиз бутун кўркамлигини намойиш этадиган даражада уддалашлари мумкин.

Тарихимизга мурожаат афкор омма қаршисида улкан тоғнинг юзидан пардани кўтаргандек таассурот қолдирдики, бу тарихнинг ворислари қилиниши шарт бўлган ишлар қаршисида бироз шошиб қолгандек тасаввур пайдо бўлмоқда. Негаки, амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўлами жуда улкан, босқичма-босқич, пиллапояма-пиллапоя кашф этилиши керак бўлган муҳташам обидага ўхшайди.

Ҳаким САТТОРИЙ,
ёзувчи.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

АЁЛ БАХТИ

Ватанимиз тарихида маърифатли аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Нодирабегим, Моҳларойим, Жаҳон отин Увайсий, шунингдек, миллат ривожига, адабиёт равнақига катта ҳисса қўшган Зулфия, Ҳалима Худойбердиевалар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг ҳаёти кўплаб ёшлар учун ибрат.

Бугунги кунда ҳам ўзбек аёлларининг жамиятимизда тутган ўрни улкан. Эътибор ва эҳтиром ҳам шунга яраша. Жаҳон банки маълумотига кўра, жорий йил мамлакатимиз гендер тенглиги бўйича жаҳон бешталигига кирганлиги қувонарли ютуқлардан. Бугунги кунда Сенат аъзоларининг 32 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 35, тиббиёт соҳаси ходимларининг 77, таълим соҳаси ходимларининг 74, маданият ва спорт соҳасининг 45, ахборот ва алоқа ходимларининг 35, мудофаа тизими ходимларининг 27 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Янги Ўзбекистон қурилишининг муносиб иштирокчисидир улар. Шу боис аёлларнинг меҳнати, ташаббускорлиги ва фаоллиги давлат томонидан эътироф этиб келинмоқда. Яқинда, Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан республикамизнинг 14 та ҳудудидан танлаб олинган жамият ҳаётида фаол, оилада ибрат сифатида эл-юртга хизмат қилаётган 57 нафар аёлга "Мўътабар аёл" кўкрак нишони топширилди.

Тақдирланганлар ичида "Ishonch" газетасида кўп йиллардан буён садоқат билан меҳнат қилиб келаётган журналист, тиришқоқ ва изланувчан ижодкор Комила Боймуродованинг борлиги кўпчиликни қувонтирди Ана шундай шукуҳли дамларда уни суҳбатга чорладик.

— Камтарин меҳнатим учун тақдирланганимдан чексиз шодлик ва фахр туйғусини туйдим. Ҳеч кутмагандим. Ўзбегим аёлига, меҳнатига катта эътибор бу! Янада ўз устимда ишлаб, ёшлар учун ибратли ишлар қилиш насиб этсин. Эзгу режаларим кўп. Ҳар биримиз жуда фаол ва меҳр билан ишласак, қудратли давлатга айланамиз янада! – деди Комила опа қўлидаги гулларни бағрига босиб. Комила опадаги қувонч бизга ҳам кўчди.

Комила опа биз таниган аёллар орасида "Мўътабар аёл", деган номга жуда муносиб. Ундаги ғайрат, муҳаббат, завқ, табиатга, яшилликка бўлган муносабат сизга ҳам уйғоқлик бахш этади. У билан суҳбатлашсангиз дам оласиз, дилингиз сокинлашади, маънавий завққа тўласиз. Ундан ўзингизга катта куч олиб, ҳаётга бўлган қарашларингиз теранлашади.

Абу Лайс Самарқандийнинг "Яхшиликдан олдин яхшилик қилиш – фазилат", "Яхшиликдан кейин яхшилик қилиш – мукофотлаш", "Ёмонликдан кейин яхшилик қилиш – олийжаноблик", деган пурмаъно сўзлари унинг шиорига айланган.

Мақоламиз қаҳрамони Комила Боймуродова имконияти чекланган, 2-гуруҳ ногирони. У дардларга енгилмасликка, аксинча юксакликка интилишга ўрганди. У ҳеч қачон мен ногиронман, менга ёрдам беринг, деган гап тугул, бу ҳақда ўйламайди ҳам. Айниқса, боқиманда бўлишни ёмон кўради. Ҳаммасини ўзи қилишга, ўзи бажаришга ўрганган. Қилган ишларидан ҳамиша завқланиб яшайди. У "Ishonch" газетасида оддий мусаҳҳиҳликдан бошлаб, "Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш" бўлимида мухбирлик даражасига етишди. Сўз қозонида қайнаб, тиришқоқлиги, илмга интилиши, ўз устида ишлаши орқали бугунги кунда моҳир журналистлар қаторидан жой олган. Опанинг қалбидан жўшиб чиққан ижод маҳсуллари газета саҳифасида ёритилиб келинмоқда.

— Журналист халқ виждони бўлиши керак деган гап бор. Ўз фаолиятим орқали халқимга нафим тегаётганидан хурсандман ва фахрланаман. Таҳририятнинг хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлимида доим ишлар қайноқ. Республика бўйича муҳим хатларга хизмат қиламиз ва муаммолар ечилади. Халқимиз дардига малҳам бўламиз. Умуман ишимиз жуда масъулиятли ва шарафли, – деди Комила Боймуродова.

— *Комила опа, шунча куч-ғайратни қаердан оласиз, сизга нима куч беради?*

— Ёшлигимизда бундай шароитлар бўлмаган, жуда кўп ноҳақликлардан азобланиб яшаганмиз. Ана шу оғриқ ҳамиша оёқда туришимга, қийинчиликларни енгиш учун кучлироқ бўлишимга ундаган. Мени ҳаракатлантирувчи куч шу бўлса керак. Ўз устида ишлаш ва дунёқарашни кенгайтириш, ўз-ўзини танқид қилиш жуда фойдали. Дунёни гўзаллик қутқаради. Оқила аёллар бор экан, муаммолар камаяди. Президентимизга тиргак инсонлар ва фидойилар кўпайиши тарафдориман. Мен ЎзЛиДеп партияси аъзосиман. Ишдан бўш пайтларим хонаки гуллар парвариши билан шуғулланаман. Жуда катта кайфият беради. Оптимист бўлиш ва позитив кайфиятда яшаш — бош шиорим! Ҳаммага бир марта берилади умр. Айтишади-ку, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб. Ҳозирги кунда аёлларга яратилаётган шароитлар менга куч, илҳом беради Ёшлигимдан кўрган кунларимни солиштираман. Чиндан бахтли аёллармиз! Инсон меҳнат орқали ютуқларни эгаллайди.

— *Демак, ишдан ташқари ҳунармандлик ва гулчилик билан ҳам шуғулланар экансиз-да?*

— Севимли машғулотим бу – тўқиш. Бу менинг энг яхши кўрган хоббим. Асабларни тинчлантиради. Бўш вақт қандай ўтганини билмай қоласиз. Мазмунли, ҳар томонлама дам оласиз. Тўқишга қизиқадиганлар ҳам кўп. Айниқса қизлар олдимга келиб ўрганишади. Тўқиганларимизни кўриб кайфиятимиз кўтарилади. Ёш қизларга шапка, пайпоқ тўқишларни ўргатаман. Тўқишнинг яна бир яхши томони – қўл бармоқлари ҳаракатланиб турса, инсон соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади.

Қолаверса, тирикчилик — айб эмас. Меҳнат фаолиятим 1997 йилда бошланган бўлса, камчиликларимни тузатиш ва фаровон яшашга эришиш учун тикувчилик, тўқувчилик, гуллар сотиш билан шуғулландим. Кимдир қилиб беради, деб кутиш керак эмас! Ҳар бир ҳолатга инсоннинг ўзи сабабчи! Ҳали кўп режаларим бор. Фурсатдан фойдаланиб, иш жойимда менга шундай шароитларни яратиб берган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва "Ишонч" газетаси таҳририятига чексиз ташаккур айтаман. Ёнимда инсон қадрини улуғлаётганлар бор экан, улар билан фахрланаман!

Етти ёшидан битта қўли билан (иккинчи қўли тирсаккача йўқ) тўқишга меҳр берди. Комила жияклар, сочиқларга нақш тикиш, рўмолча четига тўқиш каби қўл ишларини бажариб, келинлар сепини тўлдирар эди. Бора-бора қўл меҳнати орқали топгани билан озми-кўпми рўзғорини бутлади. Гоҳо айримларимиз икки қўлимиз бут бўлишига қарамай, йиртиқ жойни ямашга ҳам эринамиз.

Комила опанинг яна бир қизиқиши бу — гуллар. У қаерга бормасин, борган жойини гуллар билан безайди. Хонадони, ишхонаси гуллар билан тўла. Гулни севган инсоннинг қалби ҳам гулга ўхшайди. Гулларни кўпайтириш, парвариш қилиш орқали опа ўзига куч олади.

Интилганга толе ёр деганларидек, унинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан доим рағбатлантириб келинди. "Мустақилликнинг 15 йиллиги" кўкрак нишони (2006), Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Ташаккурномаси (2014), "Йил аёли" миллий танловининг Тошкент шаҳар босқичида "Йилнинг иродали аёли" номинацияси (2010), "Атиргул" танловида рағбатлантирувчи ўрин (2011), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан "Йилнинг энг фаол журналисти" (2016), Ўзбекистон Касаба уюшмаси федерациясининг "Эҳтиром" кўкрак нишони (2021), "Ишбилармон аёл–2023" кўрик танловининг ҳудудий ва Республика босқичидаги фаол иштироки учун O`zLIDeP Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташаккурнома билан тақдирланган. Бу рағбатлар унга янада куч бағишламоқда. Доим олдинга интилади.

— *Барибир ҳар бир аёлнинг кичикроқ бўлса ҳам армони бўлади. Сизда ҳам борми?*

— Асли биз сирдарёликмиз. Болалигим Сирдарёнинг кенг пахта далаларида ўтган. Ёшлигимдан онам Иқболхон ая мени эҳтиёт қилиб катта қилган. Битта қиз бўлганлигим учун менинг ташвишимни кўп қиларди. Ўқишим ва қизиқишларимни ҳамиша қўллаб келган. Ўзим қизиққан Гулистон давлат университетининг тарих факультетини битирдим. Афсус, 21 ёшимда онамдан ажраганман. Волидам мана шундай ютуқларга эришганимни, камолимни кўра олмаганларидан афсусланаман. Агар тирик бўлганларида қанчалик қувонар эди.

Ўйлаб қоласан. Инсон бахтли яшаши учун умид билан интилмоқ керак экан. Умр йўлини ўз меҳнати орқали бахт чизгилари билан безаган Комила опанинг ҳаёти бунга мисол. Орзуси — ўғли Хикматжоннинг бахт-иқболини кўриш. Шундай, Комила опа ҳар кунига шукрона айтиб, ойдин режалар билан турмушини нурга безаб яшамоқда. Шу эмасми, аёл саодати!

Ҳилола ИБРОҲИМОВА

МЕДИА СОҲА ВАКИЛЛАРИ ЭТИКАСИ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

1-б.

Давра суҳбати Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги Касб этикаси бўйича жамоатчилик кенгаши раиси Карим Баҳриев ОАВ вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, Ўзбекистон журналистларининг касб этика кодекси мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

— Албатта, касб ва ахлоқ нуқтаи назаридан энг биринчи принцип бу ҳақиқатни ёзиш, ҳеч қачон ёлғон нарсани ёзмаслик. Лекин ёзган нарсангиз ҳақиқат бўлса-да, уни қандай айтиш масаласи ҳам бор. Чунки ҳақиқат бу факт. Агар бирор одам нотўғри ёзиб қўйса, шу факт ҳаётда бўлмаган бўлса, у одам қонун олдида жавоб беради, — деди К.Баҳриев.

Тадбир давомида сўз эркинлигини таъминлаш, журналист ва блогерларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари, нотўғри маълумотлар ва сохта хабарлар тарқалиши билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

"Замонавий журналистикани ривожлантириш" маркази ННТ Бошқаруви кенгаши раиси Лола Исломова, Ўзбекистон Миллий университети журналистика кафедраси профессори Ёқутхон Маматова, Ўзбекистон Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобожонова, "Янги медиа таълим" маркази директори Беруний Алимов ва бошқаларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди.

Давра суҳбати якунида медиа соҳа вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ўзини ўзи бошқариш механизмларини такомиллаштириш, журналистларнинг Касб этика кодексига амал қилишига алоҳида эътибор қаратиш, тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ҲАМКАСБЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Спорт вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида вилоятда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижтимоий тармоқ фаоллари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди.

Нурафшон шаҳрида спортнинг 4 та тури — мини футбол, волейбол, стол тенниси ва шашка бўйича ташкил этилган беллашув қизғин баҳсларга бой бўлди.

Мусобақанинг очилиш ва тақдирлаш маросимида Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Жамшид Бобожонов, вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Бекзод Қобулов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Раҳматилла Шералиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева, Ахборот ва оммавий коммунакациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, вилоят Спорт бошқармаси бошлиғи Рустам Бобоқулов, шунингдек, ОАВ вакиллари, спорт ишқибозлари иштирок этди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида мини футбол бўйича Зангиота тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритган бўлса, стол теннисида Оҳангарон тумани вакилига ғолиблик насиб этди. Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Паркент тумани ҳамда Олмалиқ шаҳри жамоалари фаоллиги билан ажралиб турди.

Беллашув якунида ғолиблар ташкилотчиларнинг медаллари, дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТ ХОНАДОНИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими томонидан оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳолидан хабар олиш анъанага айланган.

Уюшма вилоят бўлими томонидан "Кармана овози" газетасида 50 йил ишлаб, 30 йил мазкур таҳририятда муҳаррирлик қилган, бугунги кунда қутлуғ 86 ёшни қарши олган фахрий журналист Эргаш Ёқубов ҳолидан хабар олинди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Отабек Аслонов, Уюшма вилоят бўлими мутахассиси Дилором Сармонова, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Жамолиддин Ахтамов, ЎзАнинг Навоий вилояти бўйича фотомухбири Сирож Аслонов устоз билан суҳбатлашди.

Фахрийларнинг ўгитлари бугунги кунда ҳар бир соҳа вакиллари учун жуда қимматли. Йўқловдан хурсанд бўлган кекса журналист ўзи фаолият юритган даврлар ҳақида тўлқинланиб гапириб берди. Муҳаррирлик пайтларидаги иш жараёнлари билан боғлиқ қизиқарли воқеалар эсга олинди. Газетачиликнинг машаққати ва завқли томонлари айтиб ўтилди.

— Халқимизнинг меҳр-эътибори ҳар доим, ҳар қандай вазиятда одамни руҳлантиради, — деди суҳбат давомида устоз журналист Эргаш Ёқубов. — Бугунги кунларда, айниқса, ана шундай меҳр-оқибатнинг қадри бебаҳо. Ҳамкасбларим, шогирдларимнинг йўқлаб келиши кўнглимни тоғдек кўтарди. Сизлар билан бўлган бу суҳбатдан ўзгача куч олдим.

Суҳбат давомида устоз журналист юртимиз тинчлиги, миллий журналистика равнақ топиб бораётган бугунги жамиятда ижодкорлар учун берилаётган имкониятлар ва ишончлар ортиб бораверсин, дея дуо қилди.

Фахрий журналист билан хайрлашиш чоғида бундай суҳбатлар ҳали давом эттирилиши ва тарихий жараёнларни ўз кўзлари билан кўрган кекса авлод вакиллари ҳаёти ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолиши таъкидланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати

УЙҒОҚ ҚАЛБЛАР, БИРЛАШАЙЛИК!

Бугун ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган ҳаёсизлик, маънавий таҳдидларга қарши чора излаб...

1-6. “Келин-куёвни катта кўчадан уйигача шунақа тантана билан олиб киришармикин?” — деб ўйлаб тургандим, йўқ, бу Умра зиёратидан қайтиб келаётган отахонни кутиб олиш маросими экан. Отахон важанг наволар остида катта кўча ёқасидан бошланган узун йўлни, кейин бурилиб ҳовлисига олиб келадиган кўчани босиб ўтди. Худди расмий бир вакилдек. Кўзинг очиқ бўлса, хилма-хилини кўраверар экансан. Бунгача Ҳаж ибодати, Умра зиёратига бориб келган айрим кишилар хонадонидаги дастурхонларга тўлиб тошган неъматлар, зиёфатларни кўриб ҳайрон бўлардим, ахир ибодатнинг махфий бўлиши афзал, мўмин-мусулмонга камтарлик, камсуқумлик муносиб-ку.

Марғилондаги жоме масжиди қурилишининг илк ғиштини қўяётган уч уламонинг ноёб сурати сақланиб қолган. Улар орасида она томондан бобом Қозоқвойҳожи ҳам борлар. Ўтган асрнинг 20-йилларида кўп илму маърифатли инсонлар қаторида еру сувлари шўро томонидан тортиб олинган раҳматли Қозоқвойҳожи бобом пойи пиёда уч марта Ҳаж сафарига бориб келган эканлар. Юз ёшдан ўтиб яшаган бобомиз умрларининг охиригача кимдир ёнларига келиб тавозе кўрсатиши, қўлтиқлаб олишига йўл қўймас эканлар: “Ўзидан бошқа ҳеч ким мақтов, таъзимга лойиқ эмас!” Шу бобомнинг Ғарибий тахаллуси билан ёзган ғазаллари жамланган кичкина девон қолган. Онам уни ҳар гал ўқиганда: “Шунча тоат-ибодатда ўтган дадам гуноҳлар юкидан бу қадар қўрққан эканлар, биз нима қиламиз?” — деб йиғлайверардилар.

Кейинги йилларда Ҳаж, Умрага борувчилар сони йилдан йилга ортмоқда; сафар давомида яратилган шароитлар яхшиланиб бораётганини кўриб, эшитиб турибмиз, бу хайрли ишларга бош бўлиб турганлар мартабасини Аллоҳ янада баланд қилсин. Лекин “тўқликка шўхлик” дегандек, муборак сафар насиб этганлар орасида ибодатлари қабул бўлишини умиду илтижо билан сўраш ўрнига, ўзларини “ҳожи ота”, “ҳожи она” сайлаб олиб, буни ҳар жиҳатдан намойиш қилишга ўчлик касали урчиб бормоқда. Кўни-қўшнилар, қариндошлар, шаҳар-қишлоқлар аҳолиси орасида куни нону шакар билан ўтаётган миллатдошларинг, юртдошларинг оз эмаслигини кўриб-билиб туриб, қорни тўқларга зиёфат улашмоқ ва уни намойиш этмоқ уят, гуноҳ эмасмикин?..

...Яна бир постда санъаткорликка даъвогар бир қиз блогернинг саволларига жавобан узулари, бўйнидаги занжири, сирғаси, соати, кўйлагу этиги, сумкаси... кечирасизу, иштонигача қанча нархда олганини яйраб-яшнаб туриб айтиб берди. Умумий нарх 25 минг АҚШ долларига етди. Тўғриси, мен унинг бирорта қўшиғини эслолмадим. Қаранг, тўқсон тўққиз фоизимиз қизимизни узатиш, ўғлимизни уйлаш учун сепу сарупо режасини тузганда, янги ёш оилага эру хотинлик масъулияти, ахлоқ-одоби ҳақида ёзилган уч-тўртта китоб олишни хаёлга ҳам келтирмаймиз-у, маънавий савияси кийимларининг нархини минглаб одамларга овоза қилиш даражасида бўлган “санъатчи” бир сидра кийимига 25 минг доллар сарфлаб қўйилибди! Биз киммиз?

“Онамни, иншааллоҳ, деб ният қилган кунларига алҳамдулиллаҳ деб айтаман... хурсанд бўлиб юрайлик...” — яна бир постда бир жувон бу сўзлари билан нима демоқчилигини ҳарчанд уриндим, англолмадим. Онаси ҳақига дуо қиляпти десам, қўлидаги рюмкада сувми, бошқа нарсами чайқалиб турибди...

Лекин булар кейинги постлардаги томошаларнинг чангида қолиб кетди. Ҳамма нарса қўшқўш келади, дегандек, тўйлар, ҳар хил даврлардаги ўйин-кулгилардан олинган видеолавҳалар қаторлашиб чиқиб келди-ёв! Уларнинг ўзига хос жиҳатидан кўра умумий ўхшашликлари кўп: гумбурақарс мусиқа остида даврани “гуллатаётган” қизу аёлларнинг деярли ҳаммаси бошдан-оёқ танасини сириб турган либослар кийган; яратилишда ўзига хос бўлган қиёфаларнинг аксари замонавий косметологнинг қолипидан чиққан — қоп-қора қошлар, керилган қабоқлар, ажралиб турган ёноқлар, катталикда мусобақалашаётган лаблар... (шуларни кузатиб, ҳақиқий гўзалликни ҳамма ўзига хос бўлгандагина ажратиш мумкинлигини англадим). Нафақат қиёфалар, рақслар ҳам эгизакдек: аёллар тору танқис либосларда ўзи бўртиб, ажралиб тургани камдек, ибо-ҳаё билан яшириш лозим бўлган жойларини қўллари, ҳаракатлари билан кўрсатадилар. Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Гулчеҳра Исмоилова, Дилафрўз Жабборова каби раққосалар қўлу қадамларининг мусиқага уйғун нозик-нафис ҳаракатларига, юз-кўзларидаги ҳаё, жилвага мафтун бўлган бўлсак, мана бу видеолардаги хатти-ҳаракатларни кўраётганингдан уялиб кетасан. Лекин менинг бу гапим устидан куладиганлар, замондан орқада қолганимни юзимга айтадиганлар, “кўрмай қўя қолинг” деб маслаҳат берадиганлар кўп. Улар орасида оппоқ соқолли чоллар (ана, видеода биттаси ёшгина қизни қувлагандек ўртада югуриб ўйнаб юрибди), невара-чеварали хотинлар (ёш қизу аёлларнинг белдан пастини силкитиб ўйинга тушишларини хурсанд кузатиб ўтиришибди), зиммасига орият посбони бўлмоқлик ҳам юкланган йигитлар бор. Бир постни кузатаркан, “Асл йигитлар, қаердасиз? Қаерга қараяпсиз?” деб баланд минбардан чақиргим келди. Яъни йигирма-ўттиз эркак ўртасида йигит билан қиз бир-бирига қараб ўйнаяпти. Қизнинг ҳаракатлари қуюшқондан чиқиб кетган, унинг йигитга яқинлашиб келишдаги шиддатини кўриб, беихтиёр “Қоч!” деворибман, аммо йигит эшитсаям, улгурмасди... Қиз унга бақамти келиб шунақа бешарм ҳаракат қилдики, бунинг таърифида “шармандалик” сўзи қочмоққа кунжак излаб қолади.

Хуллас, тушундим: юртдошларимиз орасида ижтимоий тармоқдан фойдаланувчилар қўйган постларда китоб ўқиш, фарзанд тарбияси, бирор бадиий ёки санъат асаридан олинган таассурот, қариндош-қўшничилигу қуда-андачилик одоблари, ёшлигу кексаликка оид сабоқлар... – бу каби муҳим ва керакли мавзулар анқонинг уруғи экан.

“Момоларимиз, оналаримиз ундоқ бўлгандилар, бундоқ бўлгандилар”, — деб нолалар қилишдан фойда йўқ энди. Ҳис-ҳаяжонларга берилиб, кўнгилнинг ҳою ҳавас кўчаларида адашиб юрганларни инсофга чақириш, ўз наздимизда таъсирчан гаплар айтиш, насиҳатлар қилиш — фурсатни бой бериш. Зеро, бугун миллат юзини ерга қаратадиган гапларию қилиқлари билан ўзини намойиш этаётганларни томчига қиёсласак, томоша қилиб ўтирганлар дарё, денгизга монанд. Тарбияси, ҳаёт тажрибаси, савияси турлича бўлган одамларнинг, айниқса, ёшларнинг қай бирига уларнинг енгил-елпиликлари, беодобликлари, беҳаёликлари, ташқи ялтир-юлтир-у умрни бекорга совурадиган ўйин-кулгиларга ўчликлари юқмайдими?

Бозорларда телефон савдоси қизигандан-қизиган; оқ-қорани ажрата олиши ҳақида-ку гап йўқ, ҳали юз-қўлини тузукроқ ювишниям билмаган боласига ота-оналар: “кўпдан ажралмасин”, “бошқа иложим қолмади”, “шундай қилмасам ўқимасмиш, гапимга қулоқ солмаяпти” деган ўйда еб-ичарларидан тежаб бўлса-да, телефон олиб беряптилар. Кўчада, уйда, кундузию кечаси телефонга термилган болаларимизнинг неча фоизи илм, фан, маданият, маънавиятга тааллуқли постларни кузатадилар-у, неча фоизи ур-сур мультфильм ва кинолар кўрадилар, шафқатсизликлару бахтсиз ҳодисалар қурбонларининг томошабинлари сафига қўшиладилар, уятсиз давраларга “меҳмон бўладилар”? — ҳисобини чиқариб олиш учун ҳаммамизда далиллар етарли.

Яқинда Чеченистонда бир бола PUBG ўйинида компютерь ўйинчасида “ўлдириб қўйгани” учун ўз дўстини шафқатсизларча пичоқлаб ўлдиргани ҳақида хабар тарқалди. “Даҳшат, бунақасидан Худо сақласин”, — деймиз. Аммо ақлу идрок кўзларини қўрқмай очиб қарайлик: ўқувчининг ўқитувчисига қўл кўтаргани (гап қайтариши, масхаралаши, лақаб қўйиши) унда устоз зотига ва илму фанга муҳаббат ўлгани эмасми? Эрнинг фарзандлари олдида хотинини ваҳшийларча пичоқлагани унда инсонийликнинг қуриб битгани эмасми? Ўн бир-ўн икки ёшида қиз боланинг туққани ён-атрофидагиларнинг ундан юз ўгиргани, қизалоқ келажагига... қўйгани эмасми? Пул топиш учун хорижга биргалашиб кетган эру хотиннинг қариндошда қолдирган мурғак болалари хор бўлиб, зулм остида жон бериши қай бир қалбларнинг бир парча қора гўштга айланганидан дарак эмасми?.. Аччиқ мисолларнинг ниҳояси йўқ!

Бир саҳна асаридан хотирамга ёзилиб қолганидек:

Кўнгил йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ...

Журналистлар, жамоатчиликнинг жонкуяр вакиллари бу мавзуда босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилган мақола, суҳбатларини адади мингдан бошланиб, ўн мингдан ҳам ошмайдиган ўша газета ёки журналларнинг обуначилари ўқийдилар, холос. Агарда шуни ҳам ўқисалар?! Шу ўринда босма оммавий ахборот воситаларида чиққан материаллар ҳақида ҳамкасблар, бошқа ўқувчилар фикр-мулоҳаза билдириши ва улар эълон қилиниши, муаммолар ҳал этилиши учун масъул ташкилотларга расман мурожаат этилиши оддий қоида. Аммо ижтимоий тармоқ эгаларининг ҳаммаси ўзига хон, ўзига бек. Ҳаммаси ўзининг шон-шуҳратини ва мухлисларини ошириш ғамида. Миллийлик, шарму ҳаё, ахлоқ-одоб ҳақида ривоятлар айтиб гурунглар берган блогерлардан биронтаси (мисол учун): “Ҳой фалончи, халқнинг эътиборига кийими, машиналари, сайру саёҳатларини санаб кариллайдиган мақтанчоқни олиб чиқишни бас қил!” — деганини эшитмадик.

Бугун халқ билан кундалик мулоқот, жамият қалбига йўл топишнинг энг қулай бир воситаси бор, бу — деярли ҳамма хонадонда мавжуд бўлган телеэкранлар. Телевизор катта авлод вакиллари жуда кўпчилиги ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолган. Бу имконият тележурналист ҳамкасбларимиз, телеканаллар масъулларига ҳар доимгидан ҳам жиддийроқ вазифа юклайди, десак, бизни тушунсалар керак. Ҳар хил шоулар, санъат, маданиятга тариқчалик фойдаси йўқ ўткинчи қўшиқлардан иборат концерт дастурлари, ахлоқсизликни очиқ-ошкор тарғиб этадиган сериаллару видеофильмлар, беҳаё рекламалар ўрнига жамият маънавияти, маданияти, савиясини тарбиялайдиган, юксалтирадиган тишли-тирноқли дастурлар керак. Телевизор кўришни фақат дам олиш, роҳатланиш деб билганларга “тишли-тирноқли” ибораси жуда қўпол, хунук кўриниши мумкин. “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади”, бугун кесиб ташланмаган яра эртага газак олади... Ҳа, ижтимоий тармоқлардаги умуминсоний, миллий қонун-қоидалар, қадриятларни менсимасдан уларнинг оёқ ости қилиниши жамоатчиликнинг қатъий, доимий назоратига олинмас экан, кўпчиликнинг кўз ўнгида, эътиборида бўлган телеканаллар орқали таҳлил этилиб, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар рўй-рост айтилиб, уларнинг олдини олиш чоралари умумхалқ ишига айланмас экан, сўз ва шахс эркинлигини “оммавий маданият”га восита қилиб оладиганлар кўпаяверади.

Халқимизнинг лўнда ибораси бор: “Битта калла — битта, ўнта калла — ўнта...” Юқорида шахсий мулоҳазаларим, таклифларимни ёздим. Улар тўғри, нотўғри бўлиши мумкин. Аммо ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам таъкидлаганларидек, бугун минг-минглаб “болаларимизни телефон тарбия қилаётгани” — бор гап. Бу тарбия бераётган аччиқ мевалар ҳар бир оилада тортиб мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида режалаштирилган, кутилаётган юксалиш, эзгуликларга салбий таъсир кўрсатиши — олдимизда турган катта муаммо. Бу ҳақда юраги ёниб ўйлаётган, сўзлаётган, таклиф-мулоҳазалар билдираётган юртдошларимиз юзлаб, минглаб топилади.

Муҳтасар қилиб, демоқчиманки, маҳалла оқсоқоллари, зиёлилар, тажрибали отахону онахонлар, устозлар, хотин-қизлар фаоллари... бир ибора билан айтганда, барча уйғоқ қалблар бирлашиб, бу масала-муаммонинг ечимини топиш ҳаракатини бошламасак, моддий ва маънавий йўқотишларимиз ҳар лаҳза ортиб бораверади.

Муҳтарама УЛУҒОВА.

ҚУТЛОВ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

ҚИЁФА

МАЁҚ ИСИТМАЙДИ, ЙЎЛ КЎРСАТАДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қулман Очилга мактуб ўрнида

...Ортиқ бу юкни кўтариб бўлмайди.

Отам Тошкентдан қайтадиган куни эрталабдан темирйўл ёқасига чиқаман. Уйимиз шундоқ вокзалнинг рўпарасида. Тошкент-Термиз йўналишидаги поезддан тушган одам ўндан зиёд темирйўл қаторини тикка кесиб бу тарафга ўтса, бизнинг кўча бошланади (ҳозир ҳамма томони иҳоталаниб, одам ўтмасдай қилиб қўйилган. Темирйўлнинг тақиқланган жойидан ўтиш ўта хатарли. Йўналишларнинг ҳаммаси ҳам бўш бўлмайди. Муайян муддат ва мақсадга кўра тўхтаб турган вагонларнинг баъзан тагидан, баъзан устидан ўтишга тўғри келади).

Хуллас, мен бу тарафда ўтириб, отамни кутаман. Мана, тепловоз чинқириб, мен кутган поезд вокзал ҳудудига кириб келади. Орадан чамаси ўн беш дақиқа ўтиб, отам кўринади. Қўлида дипломат. Яна бир-иккита елимхалта. Рельс ҳатлаб йўлнинг ярмида отамга пешвоз чиқаман. Қўлидаги юкни оламан. Қисқа салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашамиз. Уйга кириб борамиз. Сингилларим, укам отамни ўраб олади. Дипломат, елимхалталар очилади, совға-салом тарқатилади. Менга бу қизиқмас. Отамнинг оғзидан кўз узмай, қулоғимни динг қилиб ўтираман.

— Қулман бовангникида бўлдик, — отам катта одам билан гурунглашаётгандай менга гапиради, — ўғлингиз ғайрат қилиб ўқисин, тил ўргансин, келиб, ўқишга кирса, журналистикада йўлини топиб кетишига ўзим қарашаман, деди.

Отам пешонаси терлаб қайноқ аччиқ кўк чойдан хўплаганча гурунгни давом эттиради. Қимир этмай ўтираман. Гап равиши сафар билан боғлиқ бошқа воқеаларга уланади. Шундаям кўзғалмайман. Қулман бовам ҳақида нимадир ўтиб кетишини истамайман. Ниҳоят, отамизнинг бироз мизғигиси келади. Ўшанда тураман. Тураман-у, ғойибдан келган куч ва шавқ таъсирида ярмини чанг босган китоблару ашқол-дашқоллар эгаллаган, на қазноқ ва на кутубхона аталадиган хонага ўзимни ураман. Бир сакраб ҳужра бурчагидаги курсига чиқиб ўтириб оламан. Дарс столим устида турган тарихгами, адабиётгами оид китобни очиб, келган жойидан шиддат билан ўқий бошлайман. Беш-ўн бет ўқигач, хаёлга чўмаман: ана, Тошкентга бориб ўқишга кирсам, марра меники. Қулман бовам – катта одам. Катта таҳририятларга ишга киришимга ёрдам беради. Албатта, менам қараб турмайман. Ғайрат қилиб ишлайман. Уялтириб қўймайман бовамни...

Миямга келган фикрлардан ширин орзиқиш вужудимни эгаллайди. Бальзак Парижга борган илк кезлари ижара хонадон балконига чиқиб, “Париж, ҳали пойимга тиз чўкасан”, деб хитоб қилади. Менинг ичимдаги ҳайқириқ ҳам уникидан кам бўлмайди: “Ҳали бутун Тошкент кимлигимни билиб қўяди...”. Ва яна китоб устига мук тушиб, мутолаани давом эттираман...

* * *

Отамнинг Қулман бовам ва фарзандлари ҳақидаги гурунги давом этади:

— ...Обид Қозоғистонга қатнаб, савдо қиларкан. “Вей, амаки, бир гал бозорга кириб қарасам, челаклаб бир нарса сотишвотти. Кўзимга ғалати кўринди. Мундооқ яқинлашиб қарасам, қўлсоат. Ўшани челаклаб сотишвотганакан...”

— ...Ўтирсам, Озод келиб, “Амаки, амаки, менга математикадан савол беринг”, дейди. “Хўп, қани айтгин-чи, бешта эчкининг ўнта қулоғи нечта бўлади?” деб сўрадим. Роса изланди. Жавобини тополмади. Охири ошхонада овқат қилаётган онасидан сўрайди: “Ойи, сиз этинг, бешта эчкининг ўнта қулоғи нечта бўлади?” “Амакинг этвоттила-ю ўнта бўлади, деб. Бешта эчкининг қулоғи ўнта бўлади-да, болам”. Бир пайт оғзи қулоғида бўлиб кириб келади: “Амаки, амаки, топдим, бешта эчкининг қулоғи ўнта бўларкан...”

Қишлоқдаям шу гурунг. Кенжа амаким ўсмоқчилаб сўрайди: “Қулман акаям яхши юрибдими? Гаплашяпсизми?” Отам тасдиқ маъносида бош ирғайди. Гапга катта амакимнинг ўғлиям қўшилади: “Ҳалиям ЎзАдами?” Иккисиям фермер бу одамларнинг Қулман бовам билан нима иши бор? Журналистикага боғлиқлиги бўлмаса... Сал ғашим келади. Уларнинг гапи эмас, ўзини Қулман бовамга дахлдордай ҳис қилиши ғашимга тегади. Бироқ улар ичимдагини билмайди. Қулман Очил ҳақидаги гурунгларни худди энг яқин кишиси ҳақидаги суҳбатдай шавқ билан, фавқулодда эътибор билан эшитади.

Йиллар ўтаверди. Тошкентга бориб, журналист бўлиш орзуси шууримда тобора мустаҳкамланди. Қарорим қатъийлашди. “Касбим — фахрим” мавзусидаги иншоларда журналист бўлмоқчи эканимни дадил, иккиланмай ёздим. Орзуларимни журналистика, Тошкент билан боғладим. Лекин Қулман бовам ҳақида ёзмайман. У — менинг сирим. Ҳеч ким билиши керакмас. Алалхусус, 9-синфда ўқиётганимда қарийб бутун мактаб менинг тимсолимда бўлғуси журналистни, ижодкорни кўрар эди, десам, муболаға бўлмайди. Қайси тадбир бўлса, камина даврага таклиф этилади. Бўйнимни даканг хўроздай чўзиб, маҳаллий газеталардан бирида чиққан шиғиримни ўқиб бераман. Қарсаклар, олқишлар янграйди. Мен тавозе билан даврани тарк этаман. Ўзим билмаган ҳолда кун сайин ичимда журналист образи камолга етаётган эди.

“Оз қолди. Ҳадемай Тошкентга бораман. Журналистикага ўқишга кираман. Қулман бовамни кўраман. Челаклаб қўлсоат сотиладиган жойларда тужжорлик қилган Обид ака билан танишаман. Математик топишмоқларни ечишга иштиёқманд Озод билан ошна тутинаман. Қандай маза ўзинг билган одамлар билан танишиш!..” Академик лицейда ўқиб юрган кезларим ҳам, дарсдан кейин қишин-ёзин репетиторга қатнаганимда ҳам фикрим ўзгармади. Орзуларим бўйимга қўшилиб чўзилди, холос.

* * *

Аммо... Минг афсус! Тестдан йиқилдим. Мен чиққан нарвонни кимдир туйқусдан оёғим тагидан олиб қўйгандек бўлди. Гўё ҳавода бир муддат муаллақ қолдим-у, шиддат билан пастга қуладим. Отам таскин беради. “Қўшимча ўринга қабул қилишаркан, албатта, журфакда ўқийсан!..” Бахтим кулади, қўшимчага кираман. Бир семестрнинг дарсини қишки таътилда ўқиймиз. Иккинчи семестр бошланади. Қиш билан баҳор ўртасида фасл талош намхуш кунларнинг бирида отамдан ишхона телефон рақамини олиб, Қулман бовамни излаб йўлга тушдим. Қидира-қидира Тошкенти азимнинг қоқ марказидаги оврупоча услубдаги ҳашаматли иморатнинг дарвозаси олдига келдим. Эшик олдидаги қўриқчилар кимнинг олдига келганимни сўради. Мен Қулман бовамнинг — ЎзА бош директорининг биринчи ўринбосари Қулман Очилнинг олдига келганимни айтаман. Қўриқчи ажабланиб, менга бошдан-адоқ синчиклаб қарайди: бу жипириқининг бош директор 1-ўринбосари билан қандай боғлиқлиги бор? Кимгадир қўнғироқ қилади. “Хўп бўлади, ўтказиб юбораман”, дейди. Қўлидаги детекторни энгил-бошим, портфелим узра юргизиб, ичкарига имо қилади: “киравер”.

Бутун вужудимни ҳаяжон чулғаб, маҳобатли бинога қадам қўяман. Тимирскилана-тимирскилана қўриқчи айтмиш хона эшигини иккиланиб енгил тақиллатаман: ишқилиб, иш тиғиз пайти безовта қилиб қўймайманми?! Ўзимга базўр эшитилган тақиллаган товушдан сўнг ичкаридан “Киринг!” деган хитоб чиқади. Овоз дўриллоқ, ўта шиддатли ва залворли. Авайлаб эшикни очиб, мўралайман. “Келинг!” Хона тўрида салобат билан ўтирган одамнинг хайрихоҳ товушидан дадилланиб, ичкарига қадам қўяман:

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

Қорамағиздан келган, полвонкелбат, қошлари бароқ киши ўрнидан туриб менга — талабага пешвоз чиқади:

— Эээ, келинг.

Қўшқўллаб кўришаман.

— Қани ўтиринг-чи.

Дуога қўл очади:

— Қани, илоҳо омин...

Мезбонга зимдан қарайман: Қулман бовам шу одам экан-да.

У ёқ-бу ёқдан гаплашамиз. Отам ҳақида сўрайди. Яна баъзи нарсалар... Дарвоқе, жиянлари ҳам халқаро журналистика факультетида ўқир экан. Расмини ҳам кўрсатади: Қулман бовамга ўхшаган — қорамағиздан келган, дунёни ўзгартиришга бел боғлаган шиддати, жиддияти нигоҳидан сезилиб турган йигит. Суҳбат бошдан-охир эсимда қолгани йўқ. Муҳташам идора ва мезбоннинг салобати туфайлими ёки кучли ҳаяжон сабабми, қулоғим батанг битиб, хаёлим пароканда бўлиб кетганди. Шунинг учун фақат саволларга жавоб берардим. Бу орада син-сумбати Қулман бовамникидан қолишмайдиган, худди унинг сингари чеҳраси очиқ, нурли киши кириб келади-ю жавоб бериш масъулиятидан бир муддат қутуламан. Гап-авзойидан билдимки, у киши ҳам шу идорада ишлайди, бош директорнинг яна бир ўринбосари.

...Шундай қилиб, биринчи учрашув жуда шукуҳли, танишув руҳида ўтганди.

* * *

Орадан уч йил ўтиб кетди. Мен бу паллада “Туркистон” газетасида ишладим. 4-курсга ўтиш арафасида диплом иши ёзиш баҳонасида газетадан ишдан бўшадим. Янги ўқув йилининг икки ойини амалиётда ўтказишимиз керак эди. Ҳеч иккиланмай, амалиёт қоғозини ЎзАга ёздирдим. Бовам билан бамаслаҳат, албатта. Ўша пайтда ҳам бу идорага кириб-чиқиш қийин эди. Менга эса махсус икки ойлик рухсатнома ёзиб берилди.

Иккинчи учрашув анча жиддий, салмоқли кечди. Қулман бовам тавсия, маслаҳатлар берди. Маҳаллий ахборотлар таҳририятидаги бир опага бириктирилдим. Опа тинмай кўчада — тадбирма-тадбир юраркан, аранг бир ой деганда кўришдик. Икки-уч кун опанинг олдига амалиётга қатнадим, бир-икки тадбирга бир-гаям бордим. Яшириб нима қиламан: ўзим бениҳоя қунтсиз бўлганим учун амалиёт ҳам ўлда-жўлда бўлди. Шундай тентираган кунларимнинг бирида Маҳаллий ахборотлар таҳририяти бош муҳаррири Ғулом Мирзо чақириб қолди. Бордим. Ака гапни узоқдан бошлади. Отам билан бирга ишлашгани, мен негадир амалиётда суст қатнашганимни айтди. Қулман бовамнинг ишончини оқламаётганим ҳам писанда қилинди. Кейин мени у киши чақираётганини айтиб, ёнига юборди.

Демак, бовам ҳам мендан катта умид қилиб юрган, мен эса... Майли, бошга тушганини кўз кўради. Уям Ғулом акага ўхшаб панд-насиҳат қилса керак. Шундай ўйлар билан бовамнинг хонасига кириб бордим.

— Ассалому алайкум! — қироат билан салом бердим.

— Отасининг Тошкентда қўша-қўша уйи, супермаркети бор одамгина сизга ўхшаб лаллайиб юради.

Ўҳҳ!..

— Нега шунча пайтдан бери ҳеч нарса ёзмадингиз?

Савол берувчининг нигоҳига дош беролмай, бир нарсалар деб ғўлдирадим. Нигоҳ эгаси аёвсиз янишда давом этди:

— Мақола дегани, нима, сизга бадиий асармидики, илҳом келишини кутиб, Дўрмонда девзира ош еб ёзсангиз...

Ўша куни бошига гурзи егандек сездим ўзимни. Қолган гаплар қулоғимга кирмади. ЎзАдан қандай қилиб отилиб чиққанимни билмайман. Ичимдан хўрлик ўкирик бўлиб томоғимга тиқиларди. Нимага ундай дейди? Отамнинг қўша-қўша супермаркети бўлганида шу ерларда тентираб юрармидим?! Бас, бошқа бу ерга келмаганим бўлсин!

Ўша куниёқ отамга қўнғироқ қилдим: “Ошнангиз маъқули йўқ одам экан. Ҳеч ким айтмаган гапларни айтди...” Отам индамади. Чурқ этмай эшитди... Лом-мим демади.

* * *

Тақдир яна “Туркистон” газетасига етаклаб олиб борди.

Қарийб ўн йилча Қулман бовам бор жойга яқин йўламадим. ЎзА биносига яқин — ҳамкасблар мақтаган емакхоналарга ҳам бормадим. Аввалига ғазабдан бино бўлган ўжарлигим вақт ўтиши билан хижолат ҳиссига ўрин бўшата бошлаган эди. Кўча-кўйда бовамга йўлиқиб, кўз кўзга тушишидан ўзимни олиб қочаётган эдим.

Бу орада Қулман ака бир-икки умумий танишларга, ЎзАга ишга кириш учун суҳбатга борган ҳамкасбларимга “Бир қадрдон акамизнинг ўғли бор эди, яхши юрибдими?” дегани қулоғимга чалинди. Шу гапларни эшитганим, ақлим аввалгига нисбатан тўлишгани сари Қулман ака ўз вақтида жуда тўғри ва аниқ танбеҳ берганига иқрор бўла бошладим.

Охири бир куни чидолмай, отамга ёрилдим:

— Ота, Қулман бовам ўшанда тўғри айтган экан.

Отам ҳеч иккиланмай, тўхталмай, бундай деди:

— Тўғри айтганини ўшандаёқ билгандим.

— Унда нега ўшанда айтмадингиз?

— Чунки сен ҳақиқатни қабул қиладиган ҳолатда эмасдинг. Мана, ўзинг англабсан, бу — жуда яхши.

Отамнинг гапидан кейин кўнглим хийла таскин топди. Барибир хижиллик бор эди. Бу орада мен “Маърифат” газетасида ишлаётган эдим. Кунларнинг бирида бизнинг қаватдаги “Правда Востока” газетасида Қулман бовамни кўриб қолдим. У самимий кўришди, сўрашди. Гўё орамизда ҳеч гап бўлмагандек эди. Бовамнинг бундай тутуми виждоним олдидаги хижолатпазлигимни анча камайтирди. Шу-шу йўлакда кўришсак, ҳол-аҳвол сўрашиб ўтардик. Мен ишлаётган бўлим мудири Ҳамза Абдуллаев Қулман аканинг олдига серқатнов бўлиб қолди. Бир куни бир даста қоғоз кўтариб кириб келди. Қизиқиш устунлик қилиб қарадимми ёки Ҳамза аканинг ўзи айтдими, эсимда йўқ, аммо билганим шуки, бу Қулман Очилнинг қисса ва ҳикоялар тўплами эди.

— Сизнинг саводингиз ҳақида сўради, яхши, деб айтдим. Менимча, имлосини кўргани сизгаям қўлёзма берса керак, — деди Ҳамза ака.

Тусмоли тўғри чиқди. Қулман ака чақириб қолди. Бордим. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлдик. Кейин қораламаларини берди.

— Кўриб, фикрингизни айтинг, — деди у.

Бош ирғаб, қўлёзмани олиб кетдим.

Бир ҳафта маза қилиб мутолаа қилдим. Бир-иккита имло хатосини айтмаса, ҳеч қандай ўзгартириш киритмадим. Зотан кирита олмасдим ҳам. Чунки қарийб қирқ йилдирки, ижоднинг қора қозонида обдан қайнаган адиб олдида каминанинг сажияси ҳаминқадарлиги кундек равшан эди. Хўш, унда нега менга қўлёзма берди? Менимча, Қулман бовам ўртадаги хижилликни шу тариқа барҳам топтирмоқчи, узуқ-юлуқ салом-аликни ишончлироқ риштага айлантирмоқчидек эди. Бундан, табиийки, кўпроқ мен манфаатдор эдим. Шундан кейин бовам билан анча гурунглашдик. Асар қаҳрамонларининг прототиплари ҳақида гапириб берди. Отамнинг вафотидан сўнг Норқобил ака (Н.Жалил) билан Тошкентдаги қўноқхонамизга келиб, дилдан ачиниб, ҳамдардлик билдирди...

* * *

Қирқ ёшнинг соясига яқинлашиб, англадимки, маёқнинг вазифаси фақат йўл кўрсатиш. У ҳар қанча шуула, ёғду таратмасин, иситишга хизмат қилмайди. Менинг дастлаб бола, сўнг ўсмир шууримга муҳрланган Қулман Очил феномени маёқ мисоли йўл кўрсатиб турган. Журналистикага кириб келишимга қопқа вазифасини ўтаган. Бахтим шуки, ўша маёқ эртароқ порлаб, болаликдан касб танловимни қатъийлаштирди. Ўсмирликнинг ички ғалаён ва талотўмларидан беталафот олиб чиқди. “Кичик хонадондан кенг жаҳонга олиб чиқадиган йўл энг оғир йўлдир”, деган эди файласуф адиб Робиндранат Тогор. Бунга қиёсан айтиш мумкинки, мамлакатнинг жанубий чеккасидан — Макондо мисоли бир чеккасини мудом қум бўрони ялаб ўтадиган жойдан шу ергача келишим осон кечгани йўқ...

Дарвоқе, Қулман Очил — катта устоз ҳақида бир сўз айтмоқчи бўлдим.

Лекин буни унинг қўл остида шогирд мақомида иш бошлаб, бугун мамлакатнинг нуфузли ОАВлари-ю расмий-норасмий идораларини гуллатаётган, забардаст қалами ва сўзи билан тарихга имзосини қўяётган ҳамкасбларимдан ўтказиб сўз айта олармидим? Билганим шуки, у ўзи ишлаган ОАВлар тимсолида журналистиканинг “планка”сини анча юқорига кўтариб қўйди. Менинг эса елкамда устоз айтган маслаҳатлар, ўгитлар. Уларни уддалай олсам эди, ишонаман, бундан раҳматли отамнинг руҳлари ҳам шод бўлур эди.

Хайриддин МУРОД

АЧЧИҚТОШ

ТАЛАБАЛАР ДАРОМАД МАНБАИМИ?

Наврўз олдидан тўрт кун дам оладиган бўлдик. Уйдагиларнинг соғинчи устун келиб, йўлга отланиб турганимда, курсдош дугонам сўраб қолди:

— Қачон кетяпсан, ўртоқ? Поездга чипта ололдингми?

— Йўқ, ҳамиша шундай бўлади, яна кечикибман, чипталар тугаб қолибди.

— Аҳоли хизмати учун шунча поезд қўйилса ҳам аҳвол ўзгармас экан-да, энди нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, ҳар галги аҳвол, таксижонда кетавераман-да.

Ҳа, байрам яқинлашавергач, талабаларнинг пайтавасига чипта қурти тушиб қолади. Ахир ҳамма байрамни оиласи бағрида нишонлагиси келади-да. Аммо “Йўл азоби — гўр азоби” деганларидек, шундай пайтларда талабалар не машаққатлар билан уйларига бориб келишади. Омади борлар автобус ёки поездга чипта олишга улгуради. Бизга ўхшаган бўшангроқ “бечора”лар эса йўловчи машиналарга илинишади.

“Йўлга чиқсанг, манзил кўринади”, деганларидек, менинг ҳам қишлоғимга отланиб турган жойим эди. Сўнгги дарсдан чиқибоқ, автобусга илиниб олиш учун автовокзалга етиб олдим. Бир мен эмас эканман, одам “минди-минди”. Бу ерда ҳам темирйўл кассасидаги аҳвол.

“Жонажон Хатирчим, мени кут”, дея улов қидиришга тушдим. Турнақатор йўловчи такси ҳайдовчилари “битта одам”, “битта одам”лаб бири қўйиб, бири оляпти. Бориб, йўлкира ҳақини сўрадим.

— 130 минг сўм, — деди найновроқ биттаси.

— Ие, амаки, ҳеч бўлмаса, 60 минг денг.

— Икки кун олдин шундай эди. Энди байрам олди, нарх кўтарилади-да, Ҳали кўрасан, бундан ҳам ошиб кетади, қизим, кетсанг шу, бўлмаса, сендан бошқа кетадиганлар кўп...

Хафа бўлиб кетдим. Чўнтагимдаги емай-ичмай сақлаб юрган, ўзимдан баттар эзилиб кетган сўмларни бармоғим билан чамалайман. Хўп десам, уйга боргунча тишимнинг кирини сўриб боришим керак. Бормай десам, бундан ҳам қуруқ қоламан. Чеккароққа чиқиб, ярим соатча кузатиб турдим. Ана, иккита автобус лапанглаганча жўнаб кетди. Ичида тирбанд одам. Шундай бўлса-да, уларга ҳавасим келди. Бир таксичи ёнимга келиб:

— Қаерга, қизим? — деди.

— Хатирчига.

— Ўтир, бирдан юраман.

— Қанча экан ўзи?

— 200 минг, майли, студент экансан, 150 бера қол.

Вужудимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳалиги шофёрнинг айтгани рост, шекилли.

— Ие, амаки, ўйлаб гапяпсизми? — деб юбордим асабимни жиловлай олмай.

— Қизим, инсоф билан айтдим-ку, бензин билан газнинг аҳволини кўриб турибсан-ку.

Уйга борсам, укаларим, опа-сингилларим, ота-онамнинг дийдорига тўйиб, бир маза қилиш орзуларим чиппакка чиқишини ҳис қилиб, хўрлигим келди.

— Йўқ, кетмайман, — дедим овозим титраб.

Миямга ётоқхонага қайтиб, байрамдан кейин кетиш фикри ҳам келди. Йўқ, ётоқхона ҳам 2 кундан кейин ёпилади. Иложсиз эканлигимни билиб, секингина яна автовокзалга қайтдим. Ҳеч йўқ омадим шу пайти келди. Учинчи автобусда 2 та жой қолган экан, юкларимни ортиб, чиқиб олдим. Олдинда мени етти соатлик узоқ йўл ва ундан ҳам оғир ҳаёллар кутар эди.

Шундай кезларда талабаларга қийин. Абитуриентлигида ўқишга кириш учун қанча қийналиб, “ДТМ”нинг ўйинларига чидайди. Ўқишга кириб олгач эса, “квартира муаммоси” бошланади. Энди тўрт йиллик ўқиш даврида-ку, талаба бечорани қандай машаққатлар кутиб турганини айтмаса ҳам бўлади. Йилда бор-йўғи уч ёки тўрт марта уйига боради. Унда ҳам ё байрам, ё таътил пайтлари. Ҳар сафар аҳвол шу. Бу ҳам бўлса бечора ота-онанинг шўри, ғирт боқимандамиз, бу ёғи контрактжон “семириб” ётибди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш ҳаммамизнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Байрам ёки таътил яқинлашаверса, ҳайдовчилар инсофни сувнинг ўрнига ичиб юборишади.

Отам ҳам баъзида қишлоқ ичида таксичилик қиладилар. Кўп марта ўзим гувоҳ бўлганман, ўқишдан қайтаётган талабалардан пул олмасдилар: “Соғ бўл, ўзимнинг қизим ҳам студент”, дердилар. Агар йўллари бир бўлса, баъзи талабаларни институтигача етказиб қўярдилар. Шунда доим ўзимнинг пойтахтдан не қийинчиликлар билан қайтишим ёдимга тушади. Талабалар ҳам одам-ку! Ижарага уй топиб берадиган маклерлар ҳам, ҳайдовчилар ҳам талабаларни ўзларининг “даромад манбаи”га айлантириб олишган. Нимага, вилоятлараро қатнайдиган автобусларни тартибга солиш шунчалик қийин ишми? Ёки байрам ва таътил вақтлари айрим таксичи ёки транспорт ходимлари учун даромад манбаими? Шундай пайтларда талабалар учун доимий нархда қўшимча автобуслар, поездлар қўйилса, мутасаддиларнинг асакаси кетадими? Мана шуларни ўйлайдиган раҳбарларнинг йўқлигидан ачиниб кетасан.

Шунча гапни ўзимга-ўзим гапириб келавериб, етти соатлик йўлни қандай босиб ўтганимни билмай қолибман. Мен-ку манзилимга бир амаллаб етиб олдим. Курсдош дугонам-чи, у нима қилди экан? Ахир у нақ 1100 километр йўл босиб Хоразмга бориши керак эди-я?..

Севинч АКМАЛЖОНОВНА,
ЎзЖОКУ талабаси.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Радар ўрнатган тадбиркор йўлнинг созлигига ҳам масъул бўлсин

Қишнинг қорли-қировли кунларидан кейин ҳар доимгидек вилоятларни бир-бири билан боғлайдиган аксарият трассалар жуда ёмон аҳволга келиб қолган. Гоҳида тошбақа юриш қилмаса бўлмайдиган жойлар бор. Сабрингиз чидамай, салгина газни қаттиқроқ боссангиз, тамом, жабрини ўзингиз тортасиз. Йўл бўйларида баллонини алмаштираётганларга кўзингиз тушаётгандир. Кўп улар.

Лекин бундайларнинг ҳаммасини ҳам бесабр деёлмаймиз. Чуқур кўп, ҳа, энди бирортасига қаттиқроқ тушган-да. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Ичида нима деяпти, кимнинг шаънига “чиройли” гаплар айтяпти, ўзига аён. Аҳволини тушунса бўлади. Ҳамёнга, рўзғорга зарар.

Фақат вилоятлараро эмас, ҳатто Тошкент шаҳри йўлларида ҳам ўйдим-чуқур тўлиб ётибди. Айрим чорраҳаларда автомобиллар чизиқни босиб қўймайин, камерага тушмайин деб чуқурга тушиб ўтишга мажбур бўляпти. Пойтахт учун уят-да энди бу манзара. Хорижлик меҳмонлар олдида ҳам хижолатли.

Биз: “Шунча маблағ ажратиляпти, солиқ тўлаяпмиз, нега аҳвол доим шундай?” деб савол беришдан чарчамаймиз, йўлчилар эса: “Ҳаммаси жойида бўлади, тузатамиз”, дея заррача хижолат чекмай жавоб беришдан чекинмайди. Қилинган йўл қўпинча бир мавсумга ярайди. Ҳар йили шу аҳвол, шу мавзу.

Энди бир таклиф-да. Мана шу йўлларнинг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш масъулиятини ўша ҳудудга радар ўрнатиб, даромад кўраётган тадбиркорга юкласа, мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, бу адолатдан ҳам бўларди. Давлат шунча имконият бериб қўйибди. Шошган борки, жаримага тушиб, радарчи тадбиркорга фойда келтиряпти. Нега энди жамият унинг хизматидан наф кўрмаслиги керак? Сиздан угина, биздан бугина-да. Радар ўрнатилган ҳудуддан қанчадир қисми, масофаси бўлиб берилсин. Бузилса, тадбиркор акамиз тузаттирсин. Буям давлат-хусусий шерикликнинг бир кўриниши бўлади. Ана кейин чизиқ дейдими, тезлик дейдими, ким босаркин, ким “учар”кин деб пойлаб ўтиравераді. Тўғрими?

Манба:
platforma.uz

ДАРЧА

Мария Тереза Лиуззо:

“БИЗ ДУНЁГА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ЭРКИН СЎЗ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!”

Мария Тереза Лиуззо — Италиянинг Калабрия провинциясидаги Монтебелло Жонико муниципалитетининг қирғоқ бўйидаги Салине Жониче қишлоғида туғилган. У Р. Бенинтенде лирик ва драматик ассоциацияси президенти. “Le Muse” адабий журнали директори. Унинг бир қанча адабий ишлари чоп этилган. Чунончи, 1992 йилда “Jeyson Ed” нашриётида “Илдиз” тўплами чоп этилди. Шундан сўнг “Психика” (1993), “Апейрон” (1995), “Эвтаназия утопияси” (1997), “Тасвир аутопсияси” (2002), “Соя қорасидан ошмайди” (2006), “Генезис” (2008), “Мен ҳозир гапирмайман” (2020), “Онанинг оч сояси” (2022), “Қайтиш нури” (2022) каби кўплаб асарлари нашр этилган. Унинг ижоди италян тилидан ташқари, инглиз, араб, румин, рус ва бошқа хорижий тилларга ўгирилган. Мазкур суҳбатни газета муштарийлари эътиборига ҳавола этишдан мурод шуки, биринчидан, адабиёт ва журналистика — дунёнинг қайси юртида бўлмасин, инсон эрки, озодлиги ва юксак маънавият бешиги ҳисобланади. Иккинчидан эса, мақсад — бугунги дунё ижодкорлари фаолияти билан ўзбек ўқувчиларини ҳамда Ватанимиз ижод оламини уларга танитишдан иборат.



Шерзод Комил Халил:

— Италия маданияти, тарихи ва санъатига ҳурмат туфайли мен сизга анъанавий инглиз тилида эмас, италян тилида мурожаат қиламан. Шу боис суҳбат давомида мабодо баъзи хатоларга йўл қўйсам, мени афв этасиз. Биламан, сиз нафақат италян тилида шеърлар қоралайсиз, балки эсселар, романлар ҳам ёзасиз, яъни наср ҳам сизга бегона эмас. Шу маънода сиз ўзингизни ижодкор сифатида кўпроқ ким деб биласиз? Умуман, адабиёт сиз учун нимани англатади?..

Мария Тереза Лиуззо:

— Адабиёт мен учун, аввало, қалб, тирик, битмас-туганмас мерос, билим, эҳтиром, умумбашарийликка дахлдор бўлган санъат, у ҳар қандай ҳолатда ҳам биздан унинг шаънига доғ туширмасликни, мудом ҳалол ўйнашни ифодалайдиган сезимни англатади. У қон, ақл, нафас, осмон, денгиз, юрак, эҳтирос, мусиқа, ишқ ва сукунатдан яратилган сўздир. Ундаги сўзлар, фикрлар, ҳатто тиниш белгилари ҳам менинг ҳис-туйғуларимнинг ғалаёни, у бизни азоблайдиган ва инсоний қилиб тарбиялайдиган бир нарса. Мен уни худди сиз каби хоҳ шеърда ёзаманми, хоҳ насрда, бунинг фарқи йўқ. Мен улардан ҳар иккисининг ҳам онасиман (бу жонли ҳиссиётни сентиментализм билан алмаштирмаслигингизни сўрардим, ахир бу жуда бошқача нарса). Умуман, мен адабиётни бир-икки таъриф билан ифодалаб бера олмайман.

Шерзод Комил Халил:

— Мен сизнинг эътиборингизни ўзбек ва италян адабиётлари ўртасидаги алоқаларга қаратмоқчиман. Очиғини айтсам, Италияда ўзбек адабиётига муносабат қандай эканлигини билмайман. Аммо шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистонда италян мумтоз адабиётига қизиқиш анча олдин бошланган. Боккаччодан тортиб Петрарканинг сонетларигача, “Декамерон”дан “Илоҳий комедия”гача бизда аллақачон таржима қилинган. Буюк ўзбек шоири Абдулла Ориф “Илоҳий комедия”ни маҳорат билан мураккаб терцина услубини сақлаган ҳолда ўзбек тилига ўгирган. Эндиликда ёшлар Умберто Эко каби замонавий постмодернизм вакиллари бўлган италян ёзувчиларининг асарларини алоҳида иштиёқ билан ўқимоқда. Сизнинг бу борадаги муносабатингиз қандай?..

Мария Тереза Лиуззо:

— Менинг ўзбек адабиётига бўлган қизиқишим туркий адабиёт билан бевосита боғланган шоир Элдор Аҳадов туфайли юз берди. Биз Италияда “Italian Book” нашриётида чоп этилган антологиямизни нашрга тайёрлаганимизда, Элдор Аҳадовнинг кўплаб туркий халқлар шоирларидан ўгирган таржималаридан фойдаланганмиз. Ўшанда мен унинг таржималари орқали ўзим учун Абдулла Орифни кашф қилдим. Бу тахминан 2008 йилларда эди. Шоирнинг 2016 йил Хьюстон (АҚШ) да вафот этгани ва у Дантенинг “Илоҳий комедия”сини ўзбек тилига ўгирган таржимон эканини, ўлимидан бироз олдин Италия Президенти томонидан олтин медаль билан мукофотланганини матбуотимиздан ўқиб, унга нисбатан хайрихоҳлигим ва бу орқали ўзбек адабиётига бўлган қизиқишим ошди. Цивилизациялашган дунёда бизнинг маданий алоқаларимиз янада ривож топишига ишонаман. Шахсан мен доим ўсишнинг маданий воситаси бўлган янги адабий қиёфаларни кашф этишни бирламчи вазифам деб биламан, шундай экан, нега италян ва ўзбек адабиётлари бир-бирларини кашф этмасин, ахир биз бир бутун инсониятмиз. Назаримда, бундай локал узоқлик ва билим яширадиган каннибализм — рамз етишмаётган руҳи ўлик дунёларга хосдир. Тасаддуқки, биз бундай эмасмиз, аксинча, биз она сайёрамизни қутқариш учун ўзаро маданий яқинликни, имон, умид, қатъият, сабр-тоқатни адабиёт воситасида биргаликда қалбларга сингдирсак, яқинлик шунда инъикос этади.

Шерзод Комил Халил:

— Мария Тереза Лиуззо хоним, бугунги кунда адабиётнинг жамиятга таъсирини қандай баҳолаган бўлардингиз? Нима деб ўйлайсиз, адабиёт аввалгидек кучлими? Оммавий маданият ва глобализмнинг таъсири бошқа модаларга йўл бердими? Сизнингча, эндиликда адабиётнинг кучи нимада? Бугунги кунда шоирнинг, ёзувчининг вазифасини қандай тушунасиз?..

Мария Тереза Лиуззо:

— Менинг назаримда, бугун адабиёт коррозияга учраган металл сим каби ғалати таассурот беради, у ўтмишдагидек қудратли эмас, аввалги қадр ва қадриятларини йўқотган. Мен таассуф билан ўйлайманки, бир вақтлар Европа маданиятининг жаҳондаги устунларидан бўлган адабиёт нафақат ҳақсизликка қарши курашган, адолат учун маёқ бўлган. Эндиликда биз ҳақиқий ижодкорларни ҳам бутунлай йўқотиб қўйгандекмиз. Расмий танқидчилар томонидан тан олинган янги улуғлар ҳам ўз вазифасини адо этмаётгандек таассурот беради менга. Бугун ижтимоий тармоқларда кўплаб ижодкорларни кўришингиз мумкин, аммо у ерда ҳақиқий санъат билан уни суистеъмол қилиш, стерил ва ностерил қатламлар, безовта қилувчи ва ифлослантирувчи шакллар беўхшов чиқиндилар сингари аралашиб кетган, ҳақиқий ва ноҳақиқийни ажратиб олишингиз осон бўлмайди. Сиз ёлғон билан мода кетидан қуваётган, муайян мафкура қуролбардорлари бўлган ижодкорлар билан том маънодаги санъат фидойиси бўлган шоирни ёки ёзувчини бир қарашда таниб олишингиз осон эмас. Чангалга тушган бехабар қурбонлар эса, ёлғон ва оригинал бўлмаган касларнинг тўрига илиниши ва шуни адабиёт деб ўйлаши мумкин. Хаёлий тўрга илинганлардан руҳланган ноасл ижодкорлар саккизоёқ каби ҳамма жойда ўзининг чангалини солади ва баъзан ўзига рақиб деб аталган асл ижодкорларни заҳар сочувчи хаёлоти билан обрўсизлантиришга уринадилар. Уларнинг мақсади — ижоди ҳеч қандай бадиий қимматга эга бўлмаган ҳолда, ўзини унвонларга муносиб кўриш, ҳар қандай ҳолатда шу каби нарсалар билан мақтанишни ўзига касб қилиб олишдир. Бу каби ўртамиёналар адабиёт қадриятларининг борини ҳам йўқ қиладилар. Биз эса адабиётга ҳақиқий бадиий персонажларни олиб кирган, миллий ва халқаро маданиятга фидойилик билан хизмат қилаётган, умумадабий меросни ҳалоллик ва камтарлик билан бойитган чин адиблар руҳониятини жуда кеч илғаб қоламиз ёки йўқ. Яна шундай нарсалар борки, одам айтишдан ҳаё қилади. Ўзини адабиётга тааллуқли деб биладиган “бўшашган тўплар”ни усталик билан ўйнаётган циркчи аёлнинг таъсирига тушиб қолганлар томонидан ижод оламига етказилаётган зарар, айтишимиз жоиз, булар ўзига-ўзи медаллар беради ва ҳар хил унвонлари билан мақтанади, уларга буни қилишга рухсат берган амалдорлар эса сукутда. Улар бу масхарабоз “зодагонлар” томонидан қилинаётган шантажларга бефарқ қарашади ва соғлом одамларни Оге отхонасидан ташқарига чиқадиган чириётган гўнг билан заҳарлаётганларнинг олдини тўсиш учун ҳеч нарса қилмайди. Айрим ёзувчи ва шоирларнинг қадр-қиммати ортида шундай акробатлар яширинган бўлиб, улар ўзларининг “0” қийматини ижтимоий тармоқларда ҳукмронлик қилаётган латта терувчиларнинг шафқати остида давом эттиравердилар. Келажакдаги Нобель номзодларининг исмларини ғурур ва беҳаёлик билан, жазосиз таклиф қилаётганлар (издошлар) ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Адабиётга ҳаёт бахш этган қадрли адиблар бугун “ноқулай қаҳрамон”га айланишди. Эндиликда кун сайин янги модалар ихтиро қилинмоқда, биз майда ва зўравон одамлар билан андармонмиз, шу боис биз “МАДАНИЙ БИРЛАШМАЛАР” билан эмас, аксинча “ЖИНОЯТ БИРЛАШМАЛАРИ” билан тўқнаш келгандекмиз. Бундай паллада чинакам шоир ва ёзувчининг вазифаси ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Улар чин санъатни ҳимоя қилиш ва келажакка узатиш учун фидойилик кўрсатишга мажбурлар.

Шерзод Комил Халил:

— Тушунарли. Келинг, энди шахсийроқ савол бераман, сиз ўзингиз ҳозирда қандай адабий лойиҳалар устида ишлаяпсиз? Умуман, нима ёза олдингиз ёки ёзолмадингиз? Ёзиш сизга нима беради? Сиз ёза олмасликдан қўрқасизми ёки бефарқмисиз?

Мария Тереза Лиуззо:

— Мен ҳозир “Жаҳон адабиёти тарихи”нинг бешинчи жилдини яратишдан иборат бир маданий лойиҳа устида ишлаяпман. Мен нимадир ёзган бўлсам, табиат ва инсониятни ўз ичига олган ҳар бир нарсага қалб ва ақлдан келган нарсаларни қоғозга муҳрлашга интилганман ва шу йўсинда ёзишда давом этаяпман. Цивилизациялашган мамлакатда муҳим ижтимоий ва маданий юксалиш учун тинчлик муҳим ўрин тутади. Мен такаббурликсиз қўшнимизни ўзимиз каби севишни, ҳаммамиз ўзимизни бир Худонинг бандаларидек ҳис қилишимизни, қадриятларга бой инсоният жамиятини яратиши ёки шунга намуна бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарсани қидираман. Мен 20 га яқин китоб ёзганман, шу жумладан, 5 та роман. Ҳозир икки режиссёр неореализм ҳақида фильм суратга олиш умидида менинг романларим устида ишламоқда. Яқин орада яна иккита шеърий тўпламимни ёзиб тугатдим, аммо уларни ҳозирча нашр этиб улгурмадим, тез орада улар нашр этилади. Чет элда таржималарим кўп, омма олдида чиқишларим кам учрайди. Болалигимдан яширинча ёзардим. Мен ҳаёт, борлиқ қўшиғини ҳамиша унинг қоронғи ва яхши томонлари билан тасвирлаганман, уруш ва тинчлик, бекорчилик ҳақида ёзганман, лекин имтиёзли меҳнатни муҳтожликдан халос бўлиш, маънавий қутқариш сифатида кўрганман. Минглаб бегуноҳ ўлимларни, озодликнинг қадрини, қуллик азобини, аёл бўлиш машаққатини тасвирладим. Менинг китобларим мактабларда ўқув ва ижтимоий шарҳ китоблари сифатида қабул қилинган. Мен ёзмасликдан қўрқмайман, бунинг учун ўлган бўлишим керак, ёзишдан мени фақат ўлим тўсиб қолиши мумкин. Энг чиройли ёзуғларим дард ва изтиробдан туғилган. Агар сизда худбинлик бўлмаса, мулоҳазаларингиз туғилади. Қайта-қайта такрорланаётган геноцидлар, қуллик, қирғин, мисли кўрилмаган зўравонлик ва жиноятларнинг қайта бошланаётганини кўриш учун “лупа”ни ақлга келтириш кифоя. Менимча, ёзишга журъати етмаган одам яшашга лойиқ эмас ва умуман ёзмаслиги керак. Ёзиш сеҳрли ҳийла эмас, балки қондир. Бу воз кечиш, қурбонлик, фидойилик, яширмаслик керак бўлган ҳақиқат, қадр-қиммат ва ҳурматдир. Бир зум олдин фаррошдан жирканадиган, лекин амалдорга сажда қиладиган одам бўри олдидаги ювош қўзичоқдек болаларга эртак ёзиб, уларни алдамаслиги керак! Лекин ҳамма биладики, подага чўпон, сўқирга таёқ керак. Рицар қилични унутса, шоир сўзни ёддан чиқарса, тамом бўлади. Замонавий тараққиёт даврининг “дракула”лари — мана шундай регресслар устида қурилган. Армиялар даҳшатли қуроллари билан енгишни, жоҳиллар эса бизни ўзлигимиздан маҳрум қилишни хоҳлайди, лекин улар шунчаки руҳсиз қўғирчоқлар. Шундай паллада шоирлик қони ва ёзувчилик ҳамияти билан ёзганларгина омон қоладилар. Ёлғон жиноятига обуна бўлган фирибгарлар эса вақти-соати билан йўқ бўлиб кетади, шу боис биз бу борада ақлли бўлишимиз ва сохта яхшиликлардан эҳтиёт бўлишимиз зарар қилмайди.

Шерзод Комил Халил:

— Сиз билан суҳбатни мен ўзбек матбуоти учун, инчунин, мустақил газетамиз “Hurriyat” учун олдим. Газета мухлисларига қисқа тилакларингиз ва фикрларингиз бўлса билдирсангиз. Газета ўқиш камайиб бораётган, инсон эрки ва мустақиллиги тобора глобаллашаётган муҳитга тортилаётган бир даврда, адабиёт ва матбаанинг одам онгига ва унинг ривожланишига таъсири борасида қарашларингиз қандай?..

Мария Тереза Лиуззо:

— Мен бунинг машаққатини, ўқувчиларни манбага жалб қилишдаги муаммолар, тиражларнинг камлиги, ташқи ва ички таъсирлар, ҳамма-ҳаммасини тўғри тушунаман. Чунки мен ҳам мустақил нашр юритишга масъулман. “Le Muse” журнали ва унинг қошидаги “Alesandro today” газеталари билан ишлаш жараёнида бу муаммолар гирдобидан озми-кўпми сузиб ўтиб бораяпмиз, аммо бундан нолишни хаёлимга келтирмайман ва келажакка ўз қарашларимиз ва муносабатларимизни акс эттириш учун бир минбар сифатида бу жараёнга некбин қарайман. Ичимда оптимизм бор. Ахир биз бу адабий-матбаа минбари орқали дунёдаги ёвузлик, қарама-қаршиликлар ва бошқа талотўпларга нисбатан ўз позициямизни, эркин муносабатимизни билдира оламиз. Мен ўйлайманки, сизнинг газетангиз “Hurriyat” ҳам худди шундай позицияга эга. Мен газетага, унинг аудиториясига бу йўлда муваффақият тилайман. Биз дунёга сўз эркинлиги ва эркин сўз учун масъулмиз. Мана шу масъулликни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак! Газета ўз обуначиларига инсон эркини ва унинг мустақиллигини, ҳаётга, жамиятга муносабатини ифодалаб берувчи бир минбар ўлароқ яшаши керак. Жаҳонда Ўзбекистон матбуотининг ўрнини кўрсатувчи катализатор бўлишида газетангизга омад ёр бўлсин. Сизга ва “Hurriyat” газетасининг жамоасига бу борада энг яхши тилакларимни билдириб қоламан.

Шерзод Комил ХАЛИЛ суҳбатлашди.

ХОРИЖ

МОСКВА АЙБЛОВЛАРНИ РАД ЭТДИ

Россия президентининг матбуот котиби Дмитрий Песков Россия Бош штаби Бош бошқармасининг “Гавана синдроми” деб аталадиган касалликка алоқадорлиги ҳақидаги айбловларни рад этиб, уларни асоссиз деб атади. Бу ҳақда “Euronews” хабар берди.

— Ҳеч ким ҳеч қачон бу асоссиз айбловлар ҳақида ишончли далилларни эълон қилмаган ёки билдирмаган. Шунинг учун буларнинг барчаси ОАВ томонидан асоссиз айбловдан бошқа нарса эмас, — деди Песков.

Аввалроқ суриштирув олиб борган журналистлар Россия разведкасининг 29155-сонли ҳарбий қисм ходимлари саёҳати ва “Гавана синдроми”га чалиниш ҳолатлари ўртасидаги тасодифий боғлиқлик юзасидан далиллар олишга муваффақ бўлгани айтилган эди.

“Гавана синдроми”нинг икки қурбони журналистлар эътиборини тортган. Улар Россия Бош разведкаси ходимлари экани таъкидланган. Британия ҳукумати Россия разведкаси ходимлари Александр Мишкин ва Денис Сергеевни собиқ россиялик разведка ходими Сергей Скрипалнинг заҳарланишига алоқадорликда гумон қилган.

100 ЙИЛЛИК ТАҚИҚДАН СЎНГ...

Британия қироли Карл III аскар ва зобитларнинг соқол ўстиришига қўйилган салкам бир асрлик тақиқни бекор қилди. Бу ҳақда “The Times” хабар берди.

Тақиқнинг бекор қилинганига қарамай, ҳарбийлар соқолларининг узунлиги ва парваришланганига эътибор қаратиши керак. Янги қоидаларга кўра, соқол узунлиги 2,5 дан 25,5 миллиметргача бўлиши, ёноқ ва бўйин қисмларидаги калталаниши керак. Шу билан бирга, соқолни ёрқин рангга бўяш тақиқланади.

Бир асрдан ортиқ вақт давомида Британия армияси аъзоларига фақат мўйлов ўстиришга рухсат берилган. Соқол ўстириш эса фақат махфий топшириқлар, ҳарбий ҳаракатлар пайтида ёки тиббий, диний сабабларга асосан рухсат этилган. Британия ҳарбий-денгиз кучлари учун соқол қўйиш тақиқи анча олдин олиб ташланган, ҳаво кучлари учун эса 2019 йилда бекор қилинган эди.

ФРАНЦИЯНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Франция Хитойни Украинадаги урушни тугатиш учун Россияга таъсиридан фойдаланишга чақирмоқда, дея “Euronews” хабар берди.



Маълум бўлишича, мазкур хабар Франция ташқи ишлар вазири Стефан Сежурненинг Пекинга ташрифи чоғида янграган. Дипломат хитойлик ҳамкасби Ван Йи билан музокаралар олиб бормоқда. “Euronews”га кўра, Париж Пекинга Россия-Украина урушидан кейин Москва билан чуқурлашган муносабатлари юзасидан босим ўтказмоқда.

— Гап нафақат стратегия, балки Украинада тинчликни қандай таъминлаш ва эҳтимол, рус қўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳақида ҳам кетмоқда. Шунинг учун биз Россияга жуда аниқ сигнал юборишимиз керак. Биз Хитой каби катта давлат ҳам Россияга аниқ сигналлар юборишига умид қиламиз, — деган франциялик дипломат.

НЕТАНЬЯХУ “AL JAZEERA” ТЕЛЕКАНАЛИНИ ЁПМОҚЧИ

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху Кнессетдаги (парламентдаги) ҳукмрон коалиция раиси Офир Кацдан мамлакат хавфсизлигига зарар етказувчи хорижий оммавий ахборот воситаларининг эфирга узатилишини тақиқлашга қаратилган қонун лойиҳасини маъқуллаш учун овоз беришни таъминлашни сўради. Бу ҳақда бош вазир бошчилигидаги “Ликуд” партияси вакили баёнотида маълум қилинди.

“The Times of Israel” нашрининг ёзишича, ҳужжат кучга киргандан сўнг бош вазир мамлакатда Қатарнинг “Al Jazeera” телеканали эфирини мамлакатда тўхтатиш бўйича ишни “зудлик билан бошлаш” ниятида. Душман кайфиятидаги оммавий ахборот воситалари фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси 12 февраль куни Кнессет томонидан биринчи ўқишда маъқулланган, шундан сўнг у парламент комиссияларида иккинчи ва учинчи ўқишда зарур маъқуллашлардан ўтган, деб ёзади газета.

ЯПОНИЯ БОМБАПАНОҲ ҚУРМОҚЧИ

Япония ҳукумати жануби-ғарбий Окинава оролларида Тайван билан боғлиқ ҳарбий инқироз юзага келган тақдирда фуқароларни ҳимоялаш учун бошпана қуриш бўйича кўрсатмаларни эълон қилди. Бу ҳақда “Nikkei” нашри хабар берди.

Бомбапаноҳ қуриш масаласи оролларда бундай объектлар йўқлиги ҳамда одамларни эвакуация қилиш жуда кўп вақт олиши сабабли пайдо бўлган. Ҳисоб-китобларга кўра, Тайван яқинида жойлашган Такетоми ва Ишигаки оролларидан 65 минг кишини тижорат рейсларида олиб чиқиш учун тахминан 10 кун керак бўлади.

“Nikkei” нашрига кўра, Тайван билан боғлиқ ҳарбий инқироз юзага келган тақдирда, бинолар остида қуриладиган иншоотлар одамларга тахминан икки ҳафта чидаш имконини беради. Бомбапаноҳларда аҳолига электр энергияси, бир киши учун кунига 3 литр сув ва бошқа зарур маҳсулотлар тақдим этилади.

Хабар қилинишича, бошпаналар десант ҳужумидан ҳам, баллистик ракеталар ва ҳаво зарбаларидан ҳам ҳимоя қила олади. Шу билан бирга, расмийлар ҳар қандай ҳарбий ҳужумдан олдин оролларнинг аҳолисини эвакуация қила олишларини кутмоқда. Тинчлик даврида бинолардан тўхташ жойи ва учрашув жойлари сифатида фойдаланиш режалаштирилган.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Юнусобод 4-мавзе, 75-уй, 42-хонадонда рўйхатда турган 2023 йил 3 июлда вафот этган **SADIKOVA GAUXAR XAMIDOVNA**нинг мулкига мерос иши очилганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида нотариус Д.Ш.Ахунджанова нотариал идорасига мурожаат этишлари сўралади. Идора манзили: Юнусобод 8-мавзе, 40-уй, 1-хонадон.

Иш кунлари: *душанбадан-жумагача соат 10:00дан 18:00гача, шанба соат 10:00дан 16:00гача.*

Телефон: +998-95-194-56-54

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“ТУРОНБАНК”: САМАРАЛИ МЕҲНАТ, НАТИЖА, САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал тус олиб, аҳолини камбағалликдан чиқариш, тадбиркорликка ўргатиш, бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар, банклар тизимида ҳам жадал амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида соҳанинг қон-томирлари саналган банкларни тез суръатларда ривожлантириб боришни даврнинг ўзи талаб этаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Маълумки, Ўзбекистон молия бозорида 33 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки Республика бўйича алоҳида ўринга эга. Банк доимий равишда ўсиб, ривожланиб, барқарор молия муассасаси сифатидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаб келаётгани ҳам сир эмас. У ўзининг 21 та банк хизматлари маркази ва 70 дан зиёд офислари орқали 622 минг нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган 2023 йилда тижорат банки фуқароларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш, бизнес эгаларининг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, янги маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш бўйича самарали ишларни олиб борди. Бу ҳақда куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бошқаруви аъзолари, ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Дастлаб, “Туронбанк” АТБ Бошқарув раисининг ўринбосари Шаҳло Ибрагимова молия муассасасининг ўтган 2023 йил якунлари ва асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берди.

Қайд этилганидек, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг жами капитали 1 трлн 897 млрд сўмни ташкил этган. Айни шу даврда активлар 15 трлн. 939 млрд. сўмга етиб, 23,8 фоизга ошган. Шунингдек, ўтган 2023 йилда юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдори 4 трлн 661 млрд сўмга етди. Бу ўтган йил билан солиштирганда 33,5 фоиз кўп демакдир. Жами кредит қўйилмалари эса 11 трлн 894 млрд сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 26 фоизга ўсгани эътиборга молик.

Шаҳло ИБРАГИМОВА,
“Туронбанк” АТБ Бошқарув раисининг ўринбосари:

– Банкимиз томонидан ҳисобот даврида бизнес эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 3 трлн 202 млрд сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан кичик бизнес субъектларига 1 трлн 437 млрд сўм, аёллар тадбиркорлигига 86 млрд сўм, ёшларнинг стартапларини амалга ошириш учун 82 млрд сўм ва бошқа қатор йўналишларга маблағлар йўналтирилди. Йирик корпоратив мижозларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун эса Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Туркиянинг Эксимбанки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Хитойнинг Эксимбанки, Германиянинг “АКА” банки, Чехиянинг CSOB банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик янада фаоллаштирилди.

Улар орқали “Қишлоқ хўжалиги”, “Чорвачиликни ривожлантириш”, “Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш”, “Тўқимачилик ва текстиль”, “Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш”, “Туризм”, “Хизматлар соҳаси” ҳамда “Ҳунармандчилик” каби ўнлаб йўналишларга хорижий кредит линиялари ўзлаштирилди. Хусусан, ҳозирги кунга қадар 1000 дан ортиқ лойиҳаларга 270 млн АҚШ доллар-лик маблағ ажратилди.

Чиндан ҳам банк ҳар вақт ўз мижозлари учун энг яхшисини, унумлисини, бир сўз билан айтганда, қулай, тезкор, ортиқча қоғозбозликдан холи хизматларни таклиф қилиши билан бошқа банклардан ажралиб келган. Бу борада сўз кетганда, эндигина ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорлар учун банк томонидан яратилаётган қулайликларни алоҳида эслаб ўтиш жоиз.

Элдор ВАҲОБОВ,
“Туронбанк” АТБ чакана бизнес департаменти директори:

– “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки ўтган 2023 йилда эндигина ўз бизнесини бошлаётган ёки капиталлашув даражасини ошириш истагида бўлган кичик бизнес субъектлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам бир қатор манфаатли хизматларни таклиф этди.

Хусусан, “Айланма маблағларни тўлдириш”, “Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш”, “Микрокредитлаш”, “Инвест лойиҳаларни ривожлантириш”, тендер савдоларида қатнашишлари учун “Банк кафолати”, “Экспорт амалиётларини бажариш” ҳамда қуёш панеллари учун “Eko panel” номли хизматлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, юридик шахсларнинг бўш турган сармояларини юқори фойда билан хавфсиз кўпайтириш мақсадида миллий валютада 20 фоиздан, хорижий валютада эса 7 фоиздан депозитлар таклиф этилмоқда. Қолаверса, ишбилармонларимизнинг вақтлари ва маблағларини тежаш мақсадида, банк томонидан улар учун ҳисоб-рақамларга масофадан хизмат кўрсатувчи махсус “TuronBusiness” мобил иловаси, “SMS ва Internet banking” хизмати ҳамда “One Touch” сингари инновацион дастурлар ҳам ишга туширилган. Бугунги кунда мазкур қулайликдан қарийб 48 минг нафар юридик мижозлар фойдаланишмоқда.

Шунингдек, анжуман давомида ўтган 2023 йилда жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар, таклиф этилган янги маҳсулотлар бўйича ҳам маълумотлар берилди. Унга кўра, “Туронбанк” АТБ томонидан жисмоний шахсларга умумий ҳисобда 1 трлн 612 млрд сўм миқдоридаги кредитлар ажратилган. Уларнинг 343 млрд сўми 1 598 нафар мижозга ипотека кредитига, 8,2 млрд. сўми 284 нафар мижозга истеъмол кредитига, 336 млрд. сўми 25 минг 569 нафар фуқарога микроқарзга, 906 млрд сўми 5 минг 695 нафар мижозга автокредитга, 18,3 млрд сўми 2 минг 41 нафар талабаларга таълим кредитига ва 74 млрд сўми 13 минг 809 нафар мижозга онлайн микроқарзга расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, 2023 йил якунлари бўйича “Туронбанк” АТБ кассаларига 1 трлн 552 млрд сўмга тенг аҳоли омонатлари жалб этилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоизга ўсган. Бунинг натижасида мижозларга қулай ва манфаатли бўлган миллий валютада “Ipoteka”, “Ustivor”, “Imkoniyat plus”, “Maksimum onlayn” ҳамда хорижий валютада “Optimum” омонатлари тақдим этилгани таъкидланди.

Қолаверса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш бўйича 2023 йилда 599 минг 162 дона миллий валютадаги пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 371 минг 710 донаси “UzCard” ва 227 минг 452 таси “Humo” тизимидаги пластик карточкалар ҳисобланади. Шу билан бирга, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки 3 мингга яқин “Visa” ҳамда 15 минг 299 та “MasterCard” халқаро пластик карточкаларини ҳам фуқароларга очиб берган. Мазкур пластик карточкалардаги пулларни нақдлаштириш, кирим қилиш ва бошқа амалиётлар учун бутун Республика бўйича 144 та “UzCard”, 132 та “Humo” ва 63 дона валюта айирбошлаш хусусиятига эга банкоматлар ишлаб тургани ҳам сўзимизнинг тасдиғидир.

Шу ўринда яна бир жиҳатни қўшимча қилиш лозим. “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда 2022 йилда банкнинг янги “MyTuron” мобиль иловасининг янгиланган талқинини ишлаб чиққан эди. Янги дизайн, замонавий интерфейс ва кўплаб банк хизматларини ўзида жамлаган иловани 2023 якунлари бўйича 150 мингдан ортиқ фойдаланувчилар юклаб олишган ва идентификациядан муваффақиятли ўтишган. “MyTuron” мобиль иловаси бир неча дақиқа ичида онлайн микроқарз олиш, “UzCard”, “Humo”, “Visa” ва “Mastercard” пластик карталарига буюртма бериш, “Humo Virtual” картасини бепул очиш каби кўплаб қулай вазифалари билан мижозларнинг ишончига эришган.

Анжуманда ОАВ вакиллари билан савол-жавоб ҳам ўтказилди. Уларнинг саволларига банк раҳбарияти томонидан атрофлича жавоблар берилар экан, бугунги кунда мижозлар учун таклиф этилаётган ва оммалашиб бораётган банк маҳсулотларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, бирламчи ва иккиламчи бозордан хонадон харид қилиш истагида бўлган мижозлар учун 10 йилдан 20 йиллгача бўлган муддатга, йиллик 16 фоиздан бошлаб, ҳеч қандай расмий даромадсиз, 416 млн сўмгача ипотека кредити ажратилмоқда экан. Албатта, шартлар сиз танлаган уй ва унинг бошланғич тўловига қараб ўзгариши мумкин.

Қолаверса, ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бизнесга биринчи қадам” номли кредит тури ҳам ишлаб чиқилганлиги айтилди. Унинг доирасида фуқароларга 5 млн сўмгача бўлган молиявий кўмакни ҳеч қандай бошланғич тўлов ва гаровларсиз, шунчаки суғурта полиси ёки учинчи шахс кафиллиги билан олишлари мумкин бўлади. Агарда улар ўз бизнесларини янада кенгайтириш истагида бўлсалар қўшимча яна 300 млн сўмгача микрокредит ҳам ажратилади. Фақатгина бунда кўчар, кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаси гаров сифатида тақдим этилиши лозим.

Қолаверса, мижозларга “Истеъмол кредити”, “Микроқарз”, “Расмий даромадсиз микроқарз”, “Саёҳат учун кредит”, “Соғлиқни сақлаш учун кредит” ва “Таълим кредити” каби маҳсулотлар ҳам тақдим этилмоқда. Улар ҳақида батафсил банкнинг www.turonbank.uz расмий сайтида танишишингиз мумкин.

Эътиборга молик жиҳати, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки мамлакат молия бозоридаги ўз ўрни ва имижини янада мустаҳкамлаб, жисмоний ва юридик шахсларга кўплаб янги хизмат ва маҳсулотларни тақдим этаётган ишончли молия муассасаларидан биридир. Айтиш мумкинки, энг илғор ва яхшиларидандир.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Реклама ҳуқуқи асосида

ШЕЪРИЯТ

Асрор МЎМИН

Юрагимга ланг очиқдир йўл

МУНОЖОТ

Кўз очиб қаршимда тоғларни кўрдим,
Шу тоғлар қўйнида шод-хандон юрдим.
Кейин йироқлардан боқиб оҳ урдим,
Тоғлардай посбондан айро бўлмайин.

Ҳаётнинг ишлари чигал бир ўйин,
Ҳар кун ўзлигингни асрамоқ қийин,
Хайрият, ичимдан чиқмади хоин,
Илойим, иймондан айро бўлмайин.

Бир жойда туп қўйиб ёзгунча палак,
Гоҳ тутдай тўкилдим, гоҳ кездим ҳалак.
Энди оиламга паноҳсан, фалак,
Ёрим, қиз-ўғлондан айро бўлмайин.

Яхшиликдан сўзлаб ёмонни йиқдим,
Эзгуликни кўзлаб тўрларга чиқдим,
Топган обрўйимни мисқоллаб йиғдим,
Ёш ўтганда шондан айро бўлмайин.

Боладай элимнинг қўлидан тутдим,
Қаро тунларида бирга қон ютдим,
Озодлик кунларин орзиқиб кутдим,
Ҳур Ўзбекистондан айро бўлмайин.

Қандай чиройлидир юлдузли осмон,
Қуёш нурларидан қалбим чароғон,
Бормикан Ердан ҳам яхшироқ макон,
Ер, Қуёш, осмондан айро бўлмайин.

ГЎЗАЛЛИК

Борми замин узра юрмоқдан маъно,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.
Турфа чиройини очгайми дунё,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.

Учишинг мумкиндир бўлса қанотинг,
Азобга чидайсан етса саботинг,
Маънавий бойирми зарра ҳаётинг,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.

Фарқи йўқ, минганинг чувурми, дулдул,
Фарқи йўқ, кўрганинг какрами, сунбул,
Фарқи йўқ, сайраса қарғами, булбул,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.

Чеккада қолурсан мисли бир сурат,
Холис яхшиликка топмассан журъат.
Йўлагингга қадам босмайди ҳурмат,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.

Йўл ҳадисин олмас битта юришда,
Музликлар тугамас битта эришда,
Нима ҳам ўзгарар битта кўришда,
Учрашиб турмасанг гўзаллик билан.

ИЗҲОР

Деразам ёнида ўсарди дарахт,
Қуёш нурин тўсиб, менга шох чўзди.
Эрта-кеч демасдан шамол турган вақт,
Деразамни чертиб тинчимни бузди.

Бундан жаҳлим чиқди, ўйламай бир дам
Арралаб ташладим дарахт шохини.
Балки бўлмоқчийди мен билан ҳамдам,
Балки айтмоқчийди менга оҳини.

Энди қилмишимдан бўлмай пушаймон,
Дарахт юз ўгирди умидин узиб.
Гўё, дарахт мендан арз қилар нолон,
Қуёш томон қолган шохларин чўзиб.

Эй, жумлайи жаҳон, бўлингиз огоҳ:
Кимки дўст бўлай деб менга чўзса қўл,
Шу қуёш, шу дарахт, шу шеърим гувоҳ,
Доим юрагимга ланг очиқдир йўл.

УСМОН НОСИР

Сув – ҳаёт,
нон – ҳаёт,
ҳаво – ҳаёт...
У зеҳнли эди бағоят,
Эрта ҳаётнинг қадрига етди.
Эрта сувсиз,
нонсиз,
ҳавосиз яшаётган
Буюклардан кўмак ўтинди,
Эрта улар билан ўртоқ тутинди.
Эрта Ватанни, ҳурликни севди,
Севгисидан шеърлар туғилди.
Бирдан заҳар томди ошига,
Навқирон ёшида,
Туҳмат тоши ёғилди бошига,
Юраги тўла қон бўлди.
Бироқ хиёнат қилмади Ватанга,
шеърга,
Қаноат қилмади сувга,
нонга,
ҳавога...
Оқибат Ватандан узоқда,
Бандидан узилган гул каби сўлди.
Сув – ҳаёт,
нон – ҳаёт,
ҳаво – ҳаёт...
У зеҳнли эди бағоят,
Эрта ҳаётнинг қадрига етди.
Афсус,
Чақмоқдай ёрқин истеъдод,
Эрта сувсиз,
нонсиз,
ҳавосиз яшаётган
Буюклар қошига кетди.

БИР ДЎСТГА

Қалбим қалъалардан баттарроқ вайрон,
Қалъаларни олдим қуруқ қўл билан.
Умримдан эмасман зарра пушаймон,
Мақсадга етмадим қинғир йўл билан.

Ўзим бировлардан чексам ҳам озор,
Маъсумга зиёним тегмасин дедим.
Ҳақ учун жонимни этганда нисор,
Ҳақсизлик қаддимни эгмасин дедим.

Баъзан ўз ўрнимдан ноҳақ сурилдим,
Баъзида оғзимдан олишди ошим.
Метин деворларга қанча урилдим,
Беадад шукурким, омон тош бошим.

Қалбим қалъалардан баттарроқ вайрон,
Қалъаларни олдим ҳалол қўл билан.
Бу менинг қисматим яхшими, ёмон,
Нетай, юролмасман бошқа йўл билан.

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИ

Майдонда курашлар шиддати тинди,
Безовта шаҳарга чўқди сукунат.
Ҳатто, спортчилар кўзи илинди,
Спорт журналисти бедордир фақат.

Хаёлидан ўтар чақнаган хилқат,
Оппоқ қоғоз узра бош қотиради.
Ялт этган зиёда кўради ҳикмат,
Ўқ жумлани ўйлаб тонг оттиради.

Спорт ўсувчандир, учқурдир ҳаёт,
Гап айтиш осонми жадалликка хос.
Сўзи истеъдодга бағишлар қанот,
Фикри тамаддунга қўяди асос.

Юлдузга айланди кечаги ғўр ёш,
Полвон юртимизда шодиёна, тўй.
Ғолиб шарафига тортилганда ош,
У эртанги авлод ҳақда сурар ўй.

Камалак бир рангдан иборат эмас,
Ягона гул билан яшнамайди боғ.
Янги истеъдодлар камолга етмас,
Бўлмаса уларга кимдир суянч тоғ.

Спорт журналисти йўнади қалам,
Демак, ушалмаган орзу-армони.
У ҳам эл қатори қилади байрам,
Юлдузларга тўлса ўзбек осмони.

КУРАШ

Бизга Ҳазрат Одам Атодан мерос,
Зардуштий бобони қўллаган кураш.
Элсевар, эрксевар Тўмарисга хос,
Алпомишни бахтга йўллаган кураш.

Одамзод наслида бўлмасин нураш,
Элатлар, давлатлар, қитъалар бирлаш.
Даврада, гиламда, майдонда сирлаш,
“Ё пирим” дегин-у, ўзбекча кураш.

Осмони зангори, ниятлари оқ,
Ям-яшил ўлкада бўй чўзди умид.
Полвон ўғлонларга кўнгиллар муштоқ,
Ҳар элда уйғонсин Паҳлавон Маҳмуд.

Одамзод наслида бўлмасин нураш,
Элатлар, давлатлар, қитъалар бирлаш.
Даврада, гиламда, майдонда сирлаш,
“Ё пирим” дегин-у, ўзбекча кураш.

Муаллиф ҳақида:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Мўмин 70 ёшга тўлди. У 1954 йили Ғаллаорол туманидаги Қўйтош қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган. Унинг “Сенинг юлдузларинг, Ватан!”, “Ёлғиз сенга юкундим, юртим”, “Дунё мўъжизалари”, “Ўзбекистон фарзандиман”, “Анна Герман” номли ўндан зиёд публицистик китоблари нашр этилган.

Бундан ташқари, муаллифнинг “Ширин олма”, “Мунир ишқ”, “Умрим фасллари”, “Навоийнома”, “Шукур. Сабр. Умид!” каби қатор шеърий китоблари нашр этилган. “Умид ва Орзу”, “Анна ва Збигнев” достонлари, “Расул Ҳамзатов”, “Қуш тили” ва “Ҳазрат Навоий” драмалари ҳам ўқувчилар эътиборини қозонган. Таржимон сифатида ўнлаб китобларни, жумладан, дунёга машҳур Лев Толстойнинг “Ҳожимурод” қиссаси, Қайсин Қулиевнинг “Қиш эди...” романи, Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” бадиаси, Роберт Рождественскийнинг “Шаҳидлар ёди” ва Давид Қуғултиновнинг “Шоҳмотчи” достонлари сингари асарларни она тилимизга ўгирган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шуҳрат” медали соҳиби.

Таниқли ижодкорни қутлуғ 70 ёши билан табриклаймиз, мустаҳкам саломатлик тилаган ҳолда шоир шеърларидан бир туркумни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ШИРИН БИР СЎЗ

Сизсиз куним айланди тунга,
Чидаб бўлмас бундай аламга.
Ширин бир сўз йўллабсиз менга,
Гўё қуёш чиқди оламга.

Сиздай чирой очганда олам,
Эзгу ният ўйимга келди.
Шоир бўлиб қачондир мен ҳам,
Ширин бир сўз ёзолсам эди.

Ҳали бордир измимда имкон,
Умид билан олдим қаламни.
Биламанки, турса ҳам тўфон,
Ширин бир сўз сақлар оламни.

НАСР

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ

КЎКАНБОЙ ҚАЛАМПИР ЭКДИ...

(Насри мусажжаъ)

“Бўлмаганга бўлишма”.
Ўзбек халқ мақоли.

Хотинининг қистови билан кўп бора қатнаб, пешанаси ботиб терга, “Кўкан депорт” деб танилган кишим “Сотим фермер” даласидан эл қатори эга бўлди ўттиз сотих ерга!

Қишлоқда туғилиб ўсган Кўканбой, афсус, кетмонни ҳеч дўст тутмаган эди... Қандай экин экишни билмай ерига, кўп ўйлади — боши қотди. Пешлаб олай, деб аввал ақлни, носдан олиб, соя жойга каравотин қўйволиб, кўзларини юмволиб, анчагача ёнбошлаб ётди...

Ўйлаб-ўйлаб, ахийри бир қарорга келди чоғи, гўё елкасидан тушгандай Сулаймон тоғи, сапчиб туриб кетди-да, ўнг қўлини баланд кўтариб: “Вўўҳ! Топдим! Бира тўла экаман ҳаммасига ширин қалампир! — деди. — Биринчидан, бу экин витаминга бой, қишин-ёзин бозори ҳеч ўлмайди, пишиб ўтиб кетса ҳамки, ачимайди, сасимайди, сўлмайди. Сотганча сотаман, қолганини қуритиб, солиб қўйсам қопларга, анчагача туради. Ақлим роса етиб турибди, мана энди кўпдан бери қотиб қолган ишларим ҳам, гапсўз йўқ, юради”.

Чунки “Эр-хотин — қўш ҳўкиз” десалар-да, Кўканбой рўзғор деган “арава”нинг залворини қўйиб бериб хотинга, кўпдан бери ўз томонин ёлчитиб ҳеч тортмасди, ҳали қозоқ, ҳали ўрис юртларида қўним билмай топганлари ўзиданоқ ортмасди...

Хаёлпараст Кўканбой қўлга олиб қоғоз-қаламни, йўқ ҳосилни чамалаб, ақчасини чиқариб, ҳужжат санаб хомчўтни чўнтагига жойлаб қўйди. Эртасига укалару қайинлари, таниш-билиш яқинлари, барчасини жамлаб далага, “ҳай-ҳай” билан кўчатларни эккунча, ҳў-ҳў, катта юкни кўтарди у гўё бурни ерга теккунча.

Аслида, соя парвар Кўкан дегани шу ёшгача деҳқончилик машаққатин бўйнига сира олмаганди, шу боис ҳам бирор марта бу аҳволда қолмаганди... Табиийки, кўчат экиш, анчагина майда иш, кўникма йўқ мададкор билан уни якун қилгунча, роппа-роса беш кун кетди, бироқ бу кунлар ичида Кўканжоннинг жони ҳам ҳалқумига етди!

Сотим фермер келиб кўриб “янги деҳқон” даласини, кўрсатди у ер бошида бажарилган юмушларнинг анча-мунча чаласини.

Бир чизиққа экилмаган ниҳолларни кўрган Сотимбой аввалига қаттиқ ранжиб, пешанаси тиришди, “бўлар иш бўпти” дея аччиғини ютиб ичига, беихтиёр сўзга киришди: “Ака, бўлинг энди, тезроқ сув очинг, ишонарли тутиб олсин кўчатлар! Кетиданоқ ер етилса, ўғит билан гўнгни босиб, бир чопиқдан чиқарасиз! Деҳқончилик анча нозик, пирли касб, уддасидан чиқиб кетиш осонмас! Айтиб қўяй, экин зотига қуруқ гаплар, қуруқ ваъда асло керакмас! Қолаверса, “Ҳа, қалампирми”, дегани билан, у йўл четида ўз ҳолича ўсадиган теракмас! Қисқа қилсам гапимни: ерни мутлоқ алдаб бўлмайди! Алдайман деган каснинг уйи донга тўлмайди!

Мана энди қаттиқ туриб режа қилинг! Табиийки, бошқа ишлар бир чеккага сурилади, то қалампир авж олиб, ер бетини ёпгунча, ўн-ўн беш кун, балки кўпроқ, сабр билан иш устида турилади! Кўкан ака, сўнгги гап: топганингизни бериб экинга, меҳр билан уч чопиқдан чиқарсангиз, кузга бориб, қараб турасиз, қўлингиз пул кўради! Бола-чақа, хотин-халаж — уйдагилар, қуруқ чоймас, маза қилиб ҳолва-новвот, парвардалар сўради!

Ўйлайманки, хос деҳқонлар тажрибаси қўл келиб сизга, тўғри йўлдан юрасиз. Ҳа, айтгандай, ён қўшнингиз Қодир бобо эл таниган, саховатли чин деҳқон, келишимни кутиб ўтирмай, шу одамдан маслаҳатлар олиб турасиз!”

Ёқмаса-да қулоғига ўзидан кичик Сотимбойнинг бу “дарслари”ни чурқ этмасдан тинглади! Ўгитлардан олгандай бўлиб хулоса, бир амаллаб қалампирни бостириб сувдан чиқарди.

Эндигина ўтган эди икки кунгина, ҳамма гапни унутган Кўкан масъулиятни олмай бўйнига, бир саёқ дўстининг гапига кириб, атиги уч кунга дея кетиб қолди табиатнинг қўйнига...

Унутди у даласини ўз-ўзидан хушланиб, ҳафтагаёқ қолиб кетди салқин жойда “ушланиб”.

“Табиат қучоғи”дан кела солиб қараса, боёқиш қалампирлар қатқалоқнинг исканжасидан, бир талайи сўлган экан, энг ёмони, ҳар-ҳар жойда дуркун кўчатлар, ҳаво кирмай томирига, жойидаёқ ўлган экан! Буни кўрган баёв Кўкан тарвузи қўлдан тушиб, турган жойда қаққайиб тур-и-и-иб қолди, ғовлаган бошини қуйи солганча қўлин бир силтаб даладан ўзини олди...

Муаллиф ҳақида:

Дурбек Қўлдошев — 1949 йили Пахтаобод туманида туғилган. Мутахассислиги муҳандис-гидротехник. Узоқ йиллар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фаолият юритган.

Муаллифнинг “Кўк қарғалар қайтиб келмади”, “Тафаккур — ақл қамрови”, “Императорнинг туғилиши” сингари бир қанча китоблари нашр этилган.

Яхшиямки, кўп иш кўрган Сотимбой “боқувдаги ориқ қўйни” ўлмай туриб “сўйган” экан, қалампирни уч кун аввал қўшниларнинг гувоҳлигида, Қодир бобога ўтказиб қўйган экан!..

Шундай қилиб, “Кўкан ишкал” арзимаган анча-мунча харажатлар, кўчатларнинг қийматини Қодир акадан олди, ўзи эса уч мартамас, ақалли бир марта ҳам, қалампирга чопиқ беролмай, “қуруққа чопиб қолди”...

САРЧАШМА

ОНАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Ёзувчининг асари миллат танламайди. У самимий ва яхши ёзилган бўлса, дунёнинг исталган нуқтасига етиб боради ва ўз китобхонини топади. Қандай қилиб дейсизми? Албатта, таржима орқали! Грузинларнинг атоқли ва машҳур ёзувчиси Нодар Думбадзенинг асарлари ҳам моҳир ўзбек таржимонларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзбек китобхонининг севимли мулкига айланган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида машҳур адибнинг “Абадият қонуни” асарини моҳир таржимон Низом Комилов таржимасида ўзбек тилида ўқиган китобхоннинг грузин ёзувчисига бўлган ихлоси ортганди. Шу сабабли ушбу асар бир неча марта ўзбек тилида нашр этилди. Йиллар ўтиб, ёзувчининг “Мен, бувим, Илико ва Илларион” номли китоби Мухтор Худойқулов таржимасида ўзбек китобхонларига тортиқ этилди. Ёзувчи асаридаги қувноқ кайфият, соддалик ва самимийлик, юморга бой манзара ўзбек китобхонининг қалбидан чуқур жой ола олди. Шундан сўнг ёзувчи ижодига бўлган қизиқиш ортса ортдики, камаймади. Ёзувчининг “Кукарача” қиссаси ва қатор ҳикоялари таржима қилинди. Ўзбек китобхонлари бу ёзувчини яхши кўриб қолишди. Грузин ёзувчиси ўзбек китобхонининг ҳам севимли адибларидан бирига айланди. Бу соҳада, айниқса, таржимонларнинг маҳоратига ва ёзувчининг бадииятини маромига етказиб таржима эта билишганларига тан бермасликнинг иложи йўқ. Ҳар қандай таржимон ёзувчи асарини ё шон-шуҳрат чўққисига олиб чиқади, ё...

Кўнгил кўнгилга, дили тилига мос тушган ўзбек таржимонлари бу борада катта муваффақиятга эришаётганлари сир эмас. Ана шундай таржимонлардан бири — Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси Иззат Аҳмедов ўтган йили Нодар Думбадзенинг “Қўрқманг, онажон” романини ўзбек тилига таржима қилди. Асар Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида 3000 нусхада нашр этилди. Иззат Аҳмедов бундан олдин ҳам Нодар Думбадзенинг ҳикояларини таржима қилиб, анча кўзга кўриниб қолган эди. Ҳикоялар “Ҳисларимни қўзғама” номи билан 2018 йилда “O‘zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилганди.

Нодар Думбадзенинг “Қўрқманг, онажон” номли романи ҳарбий-ватанпарварлик руҳида бўлиб, асосан, чегарачилар ҳаётидан ҳикоя қилади. Романда оддий аскар Афтондилнинг ҳаёти бадиий бўёқларда, содда ва ишонарли тарзда очиб берилади. Баъзан қисқа сатрларда берилган диалоглар роман қаҳрамонларининг орзу-ўйларини, фикрларини, дунёқарашларини, характерларини, севги-муҳаббатларини ёрқин тараннум этади. Романда, айниқса, она образига алоҳида аҳамият берилган. Гарчи қаҳрамоннинг ота-онаси ёшлик чоғидаёқ автоҳалокатга учраб вафот этган бўлса-да, Афтондилнинг онаси ҳарбий хизматдаги ўғлининг тушларига тез-тез кириб туради, уни бўлиши мумкин бўлган айрим бало-қазолардан огоҳ этади. Роман сўнгидаги она ва ўғил ўртасидаги диалог ҳар қандай китобхоннинг қалбини ларзага солади, она гарчи бу дунёдан ўтган бўлса-да, ўғлининг ҳаёти ҳақида қайғуриши рўйирост очиб берилади:

— Онажон, сиз менинг олдимга яна келасизми?

— Албатта, ўғлим! Қачон қийналиб қолсанг, мени чақир, шу заҳоти қаерда бўлсам ҳам етиб келаман, болам!

— Хайр, онажон!

— Ўзингни эҳтиёт қил, ўғлим!.. Мени ташвишлантириб қўймагин, болам.

Она қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин, ўз дуолари билан унга ҳамроҳ бўлиши баробарида уни тўғри йўлга солиши ва турли офатлардан асрай олиши фаришта айланган она сиймосида ишонарли воқеалар тарзида ёзувчи томонидан ёритиб берилади. Бу билан, назаримда, у оналар тимсолига яна бир бор ўлмас ҳайкал қўяди. Асарни шу сабабли ҳам фаришта оналарга қўйилган абадий ҳайкал деса бўлади. Буни таржимон ушбу асар орқали ўзбек китобхонига етказа олган.

Шу сабабли ҳам дунё мамлакатлари тан олган Нодар Думбадзенинг асарлари чуқур фалсафий руҳ, инсон омилининг бадиий бўёқларда гўзал тарзда ифодаланиши, руҳ эркинлиги, севги ва муҳаббат, садоқат, ҳақиқатнинг ғалабаси, ўй-кечинмаларнинг самимийлиги билан кишини мафтун этади. Бежиз унинг асарлари дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинмаган.

Биз “Қўрқманг, онажон” таржима романидаги айрим таҳрирталаб жумлаларга тўхталиб ўтирмадик. Буни зукко китобхон эътиборига ҳавола этамиз. Таржимонни ва ўзбек китобхонини буюк ёзувчининг барча давраларда ҳам севиб ўқиладиган янги бир роман таржимаси билан табриклаймиз.

Баҳром АКБАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ

ҚИРҚ ҚИЗ БУЛОҒИ

Кўл ота қишлоғи Олмалиқ шаҳридан олти чақирим масофада жойлашган. Бу гўшанинг ҳавоси тоза, одамлари меҳнаткаш, кўнгли очиқ, самимий. Боз устига, қўл узатса етгудек манзилда баланд тоғлар мағрур қад кериб турибди. Юқоридан қарасангиз, тоғ этагидаги сон-саноқсиз булоқлар кўзга чалинади. Улар оз эмас, кўп эмас, нақ қирқта. Ажабланарлиси шундаки, унда кўз ёшидек сизиб чиқаётган чашма монанд булоқлардан тортиб, бир тегирмон "оби ҳаёт" берадиган булоқларгача учрайди. Худди вулқондек отилиб чиқиб, пастликка қараб ошиқаётган сувнинг таъми бир-биридан кескин фарқ қилади. Аниқроқ айтганда, мазаси ўзгача. Бу ҳол кишини ажаблантиради. Эл бежизга "Ҳар гулнинг ҳиди, ифори ўзга" демаган. Қизиғи, сувлар водийсидан қишин-ёзин зиёратчилар қадами узилмайди. Одамлар бу сувни турли хил дардга малҳам деб биладилар. Буни замонавий тиббиёт ҳам тўлиқ исбот этган. Шу важдан "Қирқ қиз булоғи" қўним топган манзил зиёратгоҳга айланган. Сўнгги вақтларда у ердан дардига даво топганлар сони кўпайиб бораяпти. Зотан, бу манзилда Наврўз ва бошқа байрам тантаналарини нишонлаш анъанага айланган.

...Баҳорнинг ўрталари. Чор-атроф яшил либос кийган. Осмонда қушлар ғужғон ўйнайди. Зиёратгоҳ гавжум. Ширин-сув булоқдан ҳовучимни тўлатиб симирдим. Суви хуштаъм, ҳазми енгил, инсон организми учун зарур витаминларга бой. Булоққа ҳайратланиб тикилдим. Қишлоқ аҳли четдан келган ҳар бир меҳмонга, албатта, қирқта булоқни кўрсатиб, у билан боғлиқ қадим ривоятни фахрланиб сўзлаб беришади.

...Илоқ давлатига яқин манзилнинг тупроғи унумдор, суви зилол, ер қаъри тилло ва бошқа қимматбаҳо металларга сероб эди. Бир учи кенг уфқларга қадар чўзилиб кетган яйловларида боқиладиган қўй-қўзининг эти бағоят мазали бўлган. Бу хусусият ғанимлар кўнглини каламушдек кемиради. Бора-бора ҳасад, кўролмаслик бош кўтариб ғалаёнга айланади. Алал-оқибат ёғий лашкар тўплаб, юртга ҳужум бошлайди. Подшоҳ аскарлари ёғийга қарши мардона туришади. Аммо тўқнашув чоғида кучларнинг тенг эмаслиги панд беради. Шундай бўлса-да киндик қонлари томган муқаддас тупроғи учун мардонавор олишадилар. Жанг майдонида душманга қилич сермаётган подшоҳнинг ёдига бирдан ойдай сулув қизи тушади. Борди-ю, бу жангда имконият бой бersам, қизим душманим қўлида чўри бўлмасин, дея дарҳол қизига чопар юборади. Чопар етиб бориб, отасининг тоғу тошлар орасидаги ғорга беркиниб, жон сақланглар деган буйруғини етказади. Бироқ буни ёғий аскарлари сезиб қоладилар. Улар дарҳол малика изига тушадилар. Қирқ канизаги билан қалашиб ётган тоғу тошларда илдам ва чаққон юриб бораётган қиз қарасаки, ортидан соядек ёғий қувиб келаяпти. Улардан қочиб қутулишга кўзи етмайди. Шунда жонига узоқ-узоқлардан худди илондек буралиб оқиб келаётган шиддатли, асов дарё ора киради. "Эй, қодир Эгам, кўнглимиз туби эрк, озодлик, ор-номус, ғурур, Ватан ҳисси сингари хислатлар билан лиммо-лим тўла. Шундай бўлгач, душман қўлида номусимиз топталгандан кўра, бизни дарё қаърига қоришиб кетишимизга изн бер", дея ёлворади. Малика ва суқсурдек қирқ канизак ноласи Яратганга етиб, уларни дарё ўз бағрига олади. Душманлар буни кўриб, қотиб қоладилар ва салдан сўнг оёқларини қўлга олиб, ортларига қарамай жуфтакни ростлайдилар.

Орадан йиллар ўтади. Дарёнинг қуйи қисмида биз айтган Кўл ота қишлоғи юзага келади. Лекин дарё ўз-ўзидан қуриб қолади. Ўрнида қирқта ширин сувли булоқ бўй кўрсатади. Бу ор-номус, эрк ва жасорат туйғуларини қалби тўрида ардоқлаган, туғилган юртини азиз билган малика ҳамда қирққиз канизакнинг муқаддас ва порлоқ хотирасига ўрнатилган ёдгорликдай гўё! Маҳаллий халқ вакиллари кўркам гўшага тез-тез келиб туришади ва унга эҳтиром рамзи сифатида "Қирқ қиз булоқ" деб ном берадилар.

Алқисса, ҳар бир одам ўзга олам деган жўяли, мағзи тўқ гап юради эл орасида. Худди шундай. Кўл ота қишлоғининг шундоққина юқори томонидаги тоғ этагида қайнаб ётган қирқта булоқ сувининг таъми, мазаси, фойдали хусусиятлари ўзига хос ва мосдир.

Алҳол, гўша биқинида шарқираганича оқиб ётган булоқ бошига яна қайтдим. Майин, оҳиста эсаётган еллар сув зарраларини учириб ўйнаётган булоққа ҳайрату ҳаяжон билан узоқ тикилиб қолдим. Хаёлимдан эса: "Сенга шараф, сенга таъзим, она ер бағридан кўз ёшидек сизиб чиқаётган булоқ, эй, гўзал чашма" деган сўзлар бот-бот ўтди.

Бу қадим дунё — ғаройиботга бой очун. Турфа ҳодиса-ю, ўзгаришлар кўз очиб юмгунча янгиланиб, ўзгариб бораверади. Баъзида уларга боқиб, ҳайрону лол қоласан. Шу маънода юртимизда қирқ рақамига тақаладиган манзил, жойлар кўп учрайди. Мисол дейсизми? Қирқ қиз ғори (Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида), Қирқ қиз қалъаси, (Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа туманида), Қирқ қиз тошга айланган манзил (Навоий вилояти, Хатирчи туманида) "Қирқ қиз" қалъаси (Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида) ва ҳакозо. Номлари келтирилган қадимий манзилларнинг бариси тарихдан ҳикоя сўзлайди. Қолаверса, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри яқинидаги Қирқ қиз булоғини ҳам улар қаторига тиркаш мумкин. Элнинг айтувига кўра, бу муқаддас булоқ сувини ичган кўплаб бефарзанд аёлларга фарзанд ато этган Яратган. Улар ҳар йили баҳорда бу ерга келиб, Қирқ қиз булоғига атаб, жонлиқ сўйиб, одамларга тарқатар эканлар. Баъзилар эса баданига тошган турли хил яра-чақалардан халос бўлганлигини сўзлайдилар. Нима бўлгандаям, эл-улуснинг сўзларида ҳақиқат учқунлари бордай. Бариси ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар.

...Каминага қолса, Қирқ қиз булоғини кийикнинг кўзидек тиниқ, беғубор, осмондаги тўлин ойдек гўзаллар юзига ўхшатган бўлардим. Бу булоқлар юзи худди ойнадек, уларга қараб не-не гўзаллар чилвир сочларини тарашмаган дейсиз?

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

ТУҲФАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

Рамазон кунлари рўзадорларга туҳфа улашиш, уларнинг саҳарлик ва ифторлик дастурхонларига бирор тансиқ егулик қўйиш савоб. Туҳфанинг эса катта-кичиги йўқ. Энг муҳими, яхши ниятни дилга тугиб, тортиқ қилиш. Рўзадор кишига оғиз очиш учун бир қултум сув ёки бир-икки дона хурмо– кифоя.

Яқинда "Янги Сирдарё" ва "Новая Сырдарья" газеталари таҳририятига Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари (улар мактаб қошидаги "Ёш журналистлар" тўгараги аъзолари) устозлари — "Халқ сўзи" газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Аҳмадали Шерназаров етакчилигида ташриф буюриб, журналистлар билан мулоқотда бўлишган эди. Ўша ўқувчи қизларнинг одоби, ҳаёси, ширин муомаласи ёдимда қолди.

Муборак Рамазон кунлари ана шу ўқувчилардан 3 нафари таҳририят хоналарига кириб, у ерда ишлаб ўтирган ижодкорларга бежирим идишчаларда сув ва хурмо (сув солинган идишча ёнига 2 та хурмо бириктириб қўйилган эди) улашарканлар: "Устозлар, дуо қилинг, бизга сизларнинг йўлингизни берсин", дея эҳтиром кўрсатишди. Ҳаммамиз дуо қилдик, омад тиладик.

Тўғриси, қизларнинг шу ширин сўзлари, мўъжазгина туҳфалари бизга ўша куни энг яхши, қувончли лаҳзаларни ҳадя этди. Рамазоннинг эзгу фазилати, ҳикмати ҳатто ана шу кичик эътиборда ҳам мужассам эди.

СУМАЛАК УЛАШГАН ШИФОКОР

Шифокор Олтиной Эсоновани вилоятимизда кўпчилик танийди. Болалар шифокори бўлган бу аёл аслида водийлик, Фарғонадан Сирдарёга келин бўлиб тушган. Салкам 45 йилдан бери тиббиёт соҳасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўз соҳаси бўйича турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Айни пайтда у ҳам болажонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида фидойилик кўрсатмоқда. Бугун унинг шифокорлиги эмас, қадриятларимизга муносабати, одамларга меҳр-оқибати ҳақида сўзламоқчимиз.

Юртимизда мустақиллик эълон қилинган йили Олтиной Эсонова хонадонида яхши ният билан сумалак пишириб, яқинлари, қўни-қўшнилари, ҳамкасбларига тарқатган эди. Бунинг яна бир сабаби бор, турмуш ўртоғи шифокор Абдусаттор Эсоновнинг таваллуд куни ҳам айнан Наврўз арафасида нишонланади. Ҳамма оилаларда туғилган кунларда дастурхонга турли ширинликлар, жумладан, торт қўйилса ва ош сузилса, бу шифокорлар хонадонида миллий таомлардан ташқари, дастурхон кўрки — Наврўзнинг энг тансиқ таоми — сумалак пиширилади ва албатта, бу тотли егуликка қўл чўзишдан аввал ниятлар айтилиб, дуолар ўқилади. Оила аъзолари йил давомида ана шу ниятлар ушалишига ишонадилар.

Ўтган йили шифокор дугонамиз Умра зиёратига боришни ният қилган эди. Янги йил арафасида нияти ижобат бўлди. Ҳозир хонадонда вояга етиб, ҳаётда ўз йўлларини топган 3 фарзанд, улғаяётган набиралар ҳам бу оилавий удумни жуда қадрлашади. 33 йилдирки, анъана давом этмоқда.

Куни кеча Эсоновлар хонадонида сумалак тайёрланди. Қозон бошида одатдагидай эзгу тилаклар айтилди. Оила бекасининг айтишича, қозон очилганида чиройли суратлар акс этган экан. Шифокор олдиндан тайёрлаб қўйилган идишларни барча яқинлар, ҳамкасблар ва дўстларга атаб сумалак билан тўлдирди ва уларни ўзи бирма-бир тарқатиб чиқди. Энг муҳими, Наврўз қувончи, оила шодлиги барча билан бирга баҳам кўрилди.

Ҳа, ниятда ҳикмат кўп. Кўҳна Наврўзимиз мана шундай тилаклар ва дуолар билан қадр топиб, бардавом бўлаверади.

Холида ПАРДАБОЕВА.

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жамоаси

азиз ватандошларимизни яқинлашиб келаётган
қутлуғ айём – Рўзаи Рамазон ҳайити
билан самимий муборакбод этади!
Аввало, қалбларимизда иймон нури, меҳру саховат
туйғуларини янада оширган қутлуғ ойнинг фазилатлари
йил давомида ва ҳамиша барчамизга йўлдош бўлсин.
Жаннатмонанд юртимизда тинчлик,
хотиржамлик ҳукм сурсин.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 000
Буюртма — Г-444
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 21^{30}

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.